



MILLIY TIKLANISH

25 (397) ● 2016 йил 29 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП лойиҳаси доирасида андижонлик ёш тадбиркорларга қарийб 250 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификат топширилди

Тошкент вилоятида сўнгги 5 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми қарийб икки баробарга ортди

Халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижроси муҳокама этилди

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига

Қадри дўстлар!
 Аввало, сиз, азизларни – юртимиздаги барча журналистлар, телерадио, нашриёт ва матбаа соҳаси вакиллари 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Сизларнинг бу йилги касб байрамингиз Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида мулақо янги давр – ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берган буюқ тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтаётгани чуқур маъно-мазмунга эга, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги байрам муносабати билан бўладиган учрашувлар, сўхбат ва мулоқотларда ижодий жамоалар ва умуман, миллий журналистикамиз фаолиятини танқидий сарҳисоб қилиб, янги режалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритишимиз табиий, албатта.

Қадри дўстлар!
 Бугун биз 25 йил давомида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган, халқимиз қалбида акс садо топган даъват аввало доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор, десам, янглишмаган бўлам.

Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир ва таҳликали, озгина учкунчиқса, бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган ўта хатарли ва қалтис вазият вужудга келганини эсга олайлик. Йигирма миллиондан ортқ халқимизни боқиб учун омборларимизда бор-йўғи 22 минг тонна ун захираси қолганини, иқтисодий етишмовчилик ва қийинчиликларни, бизни турли фитна ва моjarолар гирдобига тортишга қаратилган кўпорувчилик ҳаракатлари, ёвуз мақсадларни кўзлаган террорчилик ҳуружларини, мухтастар айтганда, халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтаришга бўлган ғаразли уринишларни ва бундай машаққатли синовларни фақатгина мардлик ва матонат, сабр-бардош ва фидокорона меҳнат билан енгиб ўтганимиз ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилиб, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, оро номусимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, фаровон турмуш ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришдек беқиёс имконият яратиб берган мустақиллигимизнинг қандай ноёб, олий ва бебаҳо неъмат эканини эл-юртимизнинг онгу тафаккурига сингдиришда, истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз ва сизларнинг бу олижаноб хизматингизни юксак қадрлаймиз.

Айниқса, журналистаримизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моxияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоида ва принциплари бўлиб қолиши даркор.

Бунинг учун аввало замон талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, тегшли олий ўқув юрталарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, таълим жараёнига энг илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Бу йилги мустақиллик байрамининг бош ғояси сифатида танланган **"Ўзгал ва бекоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган сўзлар замирида қандай теран маъно муҳасса эканини сиз, азизлар яхши тушунасан, албатта.

Бугунги кўтлуғ айёмда Ватан учун жон фидо қилишни ўз ҳаётининг мазмунини деб билган, миллий матбуотимизга асос солиб, мустабиб тузумнинг тазийқ ва таъқибларига қарамасдан, "Маслак ва мақсадимиз – халқ манфаатига хизмат этмак" деган эзгу ғоя йўлида бутун борлигини бағишлаган маърифатпарвар боболаримизнинг руҳи покларини, соҳа фахрийларининг номларини ҳурмат-эҳтиром билан эсга олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Шулар қаторида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонидаги кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли нашрлар ва медиа-компаниялар билан самарали ижодий алоқалар ўрнатил, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўз борар экан, кейинги йилларда соҳа вакилларининг 700 нафарга яқини чет элларда малака ошириб келганини ижобий баҳолаб, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бир сўз билан айтганда, биз ёш авлодимизни бошлаган буюқ ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбияламоқчи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтганимиз, дунё ҳамжамияти тан олаётган юксак ютуқ ва марраларимиз тарихимиз соломасида ўчмас из қолдириши, халқимизнинг онгу тафаккурида мухрланиши, миллий ғоямиз, мафкурамиз асосига айланиши шарт.

Барчангизга яхши маълум, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан олиб боришмоқда.

Бунинг тасдиғини охириги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий бўйртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Бу вазифани биринчи навбатда ким маҳорат билан амалга ошира олади? Албатта, халқ манфаати, Ватан тақдирини қалбидан, юрагидан ўтказиб яшайдиган сиз, ҳурматли журналист аҳлининг даъватини сўзи, ибратли фаолияти бу борада ҳал қилувчи ўрин тутади, деб ишонаман.

Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконига мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охириги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий бўйртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Мухтарам дўстлар!
 Тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бир-биридан ўткир ва долзарб саволларни қўяётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, инфомацион ҳуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий

ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги байрам муносабати билан бўладиган учрашувлар, сўхбат ва мулоқотларда ижодий жамоалар ва умуман, миллий журналистикамиз фаолиятини танқидий сарҳисоб қилиб, янги режалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритишимиз табиий, албатта.

Шу борада юксак касб маҳоратига эга журналистлар, тахлилчи ва шарҳловчиларни, мухтастар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб турибди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, журналистаримизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моxияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга ҳолисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоида ва принциплари бўлиб қолиши даркор.

Бунинг учун аввало замон талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, тегшли олий ўқув юрталарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, таълим жараёнига энг илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Шулар қаторида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонидаги кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли нашрлар ва медиа-компаниялар билан самарали ижодий алоқалар ўрнатил, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўз борар экан, кейинги йилларда соҳа вакилларининг 700 нафарга яқини чет элларда малака ошириб келганини ижобий баҳолаб, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги глобаллашув замонида, интернет асрида ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бу соҳада қандайдир "темир девор" қуриб бўлмаслигини кимгадир тушунтириб, изоҳлаб ўтиришининг ҳожаги йўқ, деб ўйлайман.

Жаҳон ахборот маконидида бундай мислсиз интеграция жараёнлари бугунги юксак тараққиёт учун беқиёс имкониятлар очиб бераётганини эътироф этган ҳолда, ахборот оқими орқали афсуслик, турли бузғунчи ғоялар, "оммавий маданият" кўринишлари ҳам ҳаётимизга кириб келаётганини инкор этиб бўлмайди. Улар ёшларимизнинг онги ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, маънавий қадриятларимизга, авлодлар ўртасидаги ворисийлик аъналарига белпосанд қараш каби ҳолатлар ҳам ён-атрофимизда учраб туриши барчамизни тавшишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтишга тўғри келади: маънавиятни асраш – инсонни, аввало ёш авлодимизни, келажагимизни асраш демакдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай хавф-хатарларга қарши курашиш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, мухтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифатни қурол қилиб, қатъият билан иш олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз ёш авлодимизни бошлаган буюқ ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбияламоқчи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтганимиз, дунё ҳамжамияти тан олаётган юксак ютуқ ва марраларимиз тарихимиз соломасида ўчмас из қолдириши, халқимизнинг онгу тафаккурида мухрланиши, миллий ғоямиз, мафкурамиз асосига айланиши шарт.

Бу вазифани биринчи навбатда ким маҳорат билан амалга ошира олади? Албатта, халқ манфаати, Ватан тақдирини қалбидан, юрагидан ўтказиб яшайдиган сиз, ҳурматли журналист аҳлининг даъватини сўзи, ибратли фаолияти бу борада ҳал қилувчи ўрин тутади, деб ишонаман.

Эртанги кун ҳақида, энг муҳим ва устувор вазифаларимиз ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, доимо янги-янги муаммо ва талабларни кун тартибига қўяди.

Шу маънода, бугун биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар, хусусан, халқимиз ҳаётини янада фаровон ва обод қилиш, дунёдаги энг ривожланган, демократик давлатлар қаторига кириш, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш бўйича 2030 йилга қадар белгилаб олган дастурларимизни амалга оширишда биз бутун халқимиз қатори сизларга, сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!
 Журналист меҳнатининг нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини чуқур англаган инсон сифатида мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эзгу орзуинтилиш ва ташаббусларингизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим ва маслақдошларим деб билишимни тақдоран айтмоқчиман.

Сизларни кўтлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

Мухтарам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари!
 Ҳурматли дўстлар, азизларим, қадрдонларим!
 Авваламбор, мана шундай улкан, ҳақиқатан ҳам ноёб лойиҳани амалга оширишда иштирок этган, ўзининг фидокорона меҳнати, азму шижоати билан ҳаммамиз, бутун халқимиз учун бугунги қувончли воқеа, тарихий кунни тақдим этган барча инсонларни, сизларнинг ҳар бирингизни, бутун эл-юртимизни бағримга босиб, тарихимизда илғари ҳеч қўрилмаган шундай мислсиз ютуқ билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Ўзининг мардона меҳнати билан мана шундай унутилмас кунларга, буюқ марраларга етиб келишимизга беқиёс ҳисса қўшган инсонлар, барча қувувчилар, темир йўл соҳасининг моxир ишчи-хизматчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Муносабат

Миллий манфаатларни изчил ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш – бош мақсадимиз

Шу кунларда Ватанимиз пойтахти – Тошкент бутун дунё кўз тиккан сиёсий марказга айланди, десак ҳеч муволага бўлмайди. Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлиши, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити ҳамда мазкур таширф ва саммит доирасида ўтган қўллаб юксак даражадаги тадбирлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў ва нуфузи нақадар юксалганидан ёрқин далолатдир.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин мамлакатимизга давлат таширифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига таширф буюрди. Хитой Раиси ва Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида нутқ сўзладилар.

Юртбошимизнинг ҳар бир чиқиши халқимизда ва жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотади. Қонунчилик палатасидаги учрашув чоғида сўзлаган бу галги нутқ ҳам кенг қўламлилиги, чуқур тахлил таққосларга бойлиги, самимияти билан меҳмонлар ва халқ вакиллари қалбида чуқур из қолдирди.

Президентимиз ўз нутқида, Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини теран таҳлил қилиб, миллий ривожланиш моделимизнинг хусусиятлари, энг долзарб минтақавий ва халқаро сиёсий масалалар ҳамда Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг беқиёс даражаси ва ривожланиш истиқболлари мазмун-моxиятига алоҳида эътибор қаратди.

Юзма-юз мулоқот

Депутатлар – сайловчилар ҳузурнда

учрашувларда юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар мазмун-моxияти кенг тарғиб қилинмоқда

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ кўйилган палата депутатлари, шу жумладан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари ўз сайлов округларида сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда бўлмоқда.



Муносабат

Миллий манфаатларни изчил ҳимоя қилишда фаол иштирок этиш — бош мақсадимиз

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзaro ишонч, самарали икки томонлама ҳамкорлик, энг муҳими, стратегик шериклик асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ҳуртбошимиз Ўзбекистон Хитой билан стратегик шериклик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни юксак баҳолайди ва қадрлайди, деб алоҳида таъкидлади. Хитой Ватанимизнинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармовий шерикларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари халқларимиз Буюк ипак йўли орқали қадимдан савдо-маданий алоқаларни йўлга қўйган, бугун эса бундай муносабатлар сифат жиҳатидан ва мазмунан янги босқичга кўтарилган. Ўзбек халқи ҳам, Хитой халқи ҳам бой ва бетакрор тарих, маданият ва илм-фанга эга ҳамда бундай улугвор меросга катта эътибор билан қараётган, уни кўз қорачиқидек асраётган халқлар сирасига кирди. Тарихий шахарларимизнинг ўзаро биродарлашуви, маданий-гуманитар соҳадаги кенг қамровли алоқаларимиз бунга ёрқин мисолдир. Буларнинг барчаси дўстлик ва ҳамкорлик асосига қўрилган муносабатларимизни янада юқори босқичга олиб чиқиши шак-шубҳасиздир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихан қисқа давр — 25 йил ичида гоёта мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтиб, барча соҳаларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида улкан марра ва ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўзининг олий мақсади — энг тараққий топган давлатлар сифатидан муносиб жой олиш, халқимиз фаровонлигини кўзловчи ички ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни амалга ошириш борасида дадил қадамлар билан илгариллаб бормоқда.

Ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр ва ифтихор уйғотадиган натижалар ва ютуқлар ҳақида гапирар эканмиш, “Кеча қим эдигу бугун қим бўлди?” деган савол юртдошларимиз кўнглидан кечиси табиий.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистон собиқ тузумнинг асорати туфайли мустақилликка эришган илк йилларда бир томонлама шаклланган, фақат пахта хом ашёсини етиштиришга таяниб қолган иқтисодийга эга эди. Пахта етиштириш, олтин ва нодир металлларни қазиб олиш бўйича собиқ Иттифоқда энг юқори ўринларда турган бўлишига қарамастан, уларнинг қиймати, қаерга сотилаётганини, олинаётган фойда ҳақида умуман маълумот бўлмаган. 1990-1991 йилларда Ўзбекистонда иқтисодийни бошқариш, одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш, хазинани тўлдириш ёки солиқ йиғимларини ташкил қилиш тизимлари мавжуд эмас эди. Уша пайтдаги йигирма миллион аҳолини ун билан таъминлашининг 15 қунлик захираси қолган давраларни ҳам бошимиздан кечирганимиз. Давлатимиз раҳбарининг чуқур ўйланган, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилган оқилона иқтисодий сиёсати халқимизни ана шундай иқтисодий инкироздан беталофат олиб ўтди.

Президентимиз ўз маърузасида Ўзбекистон халқининг вакиллари сифатида сиздан, қолаверса мамлакат раҳбариятидан халқимиз берилган ваъдаларининг устидан чиқишимизни кутар экан, кейинги 11 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8 фойздан кам бўлмаётгани халқимиз ишончининг ушалиши, эзгу мақсадларининг рўёбидир, дея алоҳида таъкидлади. Ва Олий Мажлис аъзоларига мурожаат қилар экан, сайловчилар ишончини оқлаш учун янада самарали меҳнат қилишга даъват этди.

Юртбошимиз истиқлол йилларида халқаро майдонда ўз ўрнини топиш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишда эришилган ютуқлар, бу йўлдаги муаммо ва тўсиқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари нутқида келтирилган ҳар бир факт ва рақам

замирида чуқур маъно, улкан меҳнат самараси мужассам. Зеро, Ўзбекистон ҳуқуқий давлат, демократик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни ўзининг энг олий мақсади сифатида белгилаган ҳамда бу йўлда эришилган ютуқларимизга бугун бутун дунё ҳавас қилмоқда. Уларнинг моҳияти, асосини Президентимиз раҳнамолигида инсон учун, унинг бахту соадати учун амалга оширилаётган ислохотлар ташкил этади.

Давлатимиз раҳбарининг нутқи парламент аъзолари, хусусан, биз депутатлар зиммасига улкан масъулият ва вазифалар юклайди. Президентимиз нутқида илгари сурилган вазифа ва мақсадлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотлар, олашумул янгиланишлар, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар орқали кенг омма орасида тарғиб қилиш олдимизда турган долзарб вазифалар сирасига кирди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фаоллари ва депутатлик корпуси аъзолари мамлакатимиз саноатини техник ва технологик жиҳатидан муттасил модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга қаратилган қонун ижодкорлиги фаолиятини янада кучайтириш, бу борада самарали парламент ва депутатлик назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Энг муҳими, мустақиллик берган бекиёс имкониятларни фўқорларимиз, айниқса ёшларимиз билан ҳам ҳис этишлари, уларнинг қалбида юрт, халқ тақдирини ва Ватанимизда юз бераётган улугвор ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш ҳамда миллий манфаатларимизни ҳар томонлама ҳимоя қилишда фаол иштирок этишига кенг йўл очишга ҳар томонлама кўмаклашиш улугвор мақсадларимизга мосдир.

С. ОТАМУРАТОВ,
ЎЗМТДП фракцияси раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бу қувончли кунни халқимиз, жумладан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси неча йиллар давомида орзу қилгани, ота-боболаримиз учун армон бўлган бу бахт албатта бизларга насиб этади, деб айниқса охириги йилларда интизорлик билан кутгани сир эмас.

Мен буни барча дўстларим, қадрдонларимга, мана, биз сизларга берган ваъдаимизнинг устидан чиқдик, бугун Ўзбекистон учун ҳақиқатан ҳам мустақил тараққиёти-миз солномасига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб ёзиладиган тарихий бир кундир, деб катта мамнуният билан таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳурматли дўстлар!
Бугунги воқеанинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида гапирганда, аввало Қамчиқ туннели орқали Фарғона водийсини мамлакатимизнинг маркази ва бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган ушбу темир йўл куриб битказилиши билан Ўзбекистонда ягона, мустақил миллий транспорт коммуникация тизими тўла шаклланиши, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизга хурсандчилик ва гурурифтаҳор етказида.

Юртимиз заминада кўп асрлар давомида шундай ачинарли ҳолат юзага келган эдики, халқимиз ўртасида “олтин водий” деб ном олган Фарғона водийси Қамчиқ домини туфайли Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ажралиб қолган эди. Барча коммуникация тармоқлари, авваламбор, транспорт-логистика алоқаси қўшни давлат ҳудуди орқали амалга оширилган эди. Табиийки, бундай ноқулай ҳолат бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 10 миллиондан зиёди яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, иқтисодий тармоқларининг барқарор фаолият ўрсатиши бўйича жиддий муаммоларни юзага келтираётган эди.

Ўзим гувоҳ бўлганман: одамларимиз узоқ йиллар давомида Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан тўғридан-тўғри боғлайдиган кунлар келишини орзу қилиб келарди. Бугун барчангизни, авваламбор, ўзбек халқини, хитойлик ҳамкорларимизни, менинг дўстим, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жанобларини мана шундай улкан ғалаба билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб айтмоқчиман, келинглэр, мана шу залда ўтирганлар ва Қамчиқ туннели олдида йиғилган, бизни кўриб турган юртдошларимиз ва хитойлик дўстларимиз, ҳаммамиз биргаликда 1 миллиард 300 миллиондан зиёди аҳоли истиқомат қиладиган мамлакат раҳбарига, менга руҳан яқин бўлган, доимо ўзининг қатъияти ва матонатини намойиш этиб, айтган сўзининг устидан чиқадиغان, ўз ваъдасини албатта бажарадиган Си Цзиньпин жанобларига миннатдорлик билдириб, унга катта раҳматлар айтайлик.

Миқёси ва кўламига кўра жуда улкан ва мураккаб бўлган бундай замонавий лойиҳани айнан ҳозирги кунда — мустақил Ўзбекистоннинг салоҳияти ва имкониятлари янада юксалиб бораётган бир пайтда амалга оширишга эришганимиз албатта беҳиз эмас.

Мазкур ноёб иншоот қурилишини муваффақиятли амалга оширганимизнинг яна бир муҳим омили замонавий туннель қурилиши учун бош пудратчи сифатида Хитойнинг дунёга машҳур “Чайна рейлвей тоннель групп” компанияси танлаб олинганидир. Бу компания ўз зиммасидаги вазифани аъло даражада амалга оширди. Қисқа муддатда, яъни бор-йўғи 32 ой ичида асрий қоя-тошлардан иборат мураккаб тоғли ҳудудда хитойлик қурувчилар томонидан узунлиги 19,2 километрни ташкил этадиган туннель барпо этилди.

Айни шу даврда бизнинг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятимиз, бугунги кунда барчани, бутун Ўзбекистон халқини, шахсан мени ҳайратда қолдираётган азму шижоатли қурувчиларимиз том маънода буюк ишларни амалга оширди. Ва мен уларнинг мардона меҳнатини юксак баҳолаб, мана шу туннель ва Ангрен-Поп темир йўли билан бирга бутун Ўзбекистоннинг тараққиёти ва гуллаб-яшнашига хизмат қиладиган ютуқларга муносиб ҳисса қўшгани учун барча темирйўлчиларга таъзим қиламан.

Ҳаммангизга яхши маълум, мазкур электрлаштирилган темир йўлнинг уму-

мий узунлиги 123 километрдан иборат. Қурилиш жараёнида хитойлик ва ўзбекистонлик қурувчилар, ишчи ва муҳандислар, мутахассислар ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боргани, ўзларининг қандай мустаҳкам ирода, юксак касб маҳоратига эга эканини намоён қилганини алоҳида қайд этмоқчиман. Ушбу лойиҳа доирасида 2 та вокзал, 8 та янги станция, йўловчилар платформалари, юқори қувватта эга бўлган 4 та подстанция барпо этилди. Шу билан бирга, гоёта мураккаб муҳандислик иншоотлари, умумий узунлиги 2,5 километр бўлган 19 та кўприк ва йўл ўтказгичлар, 2 та галерея, электр узатиш тармоқлари ҳамда бошқа кўп табиғий ишлаб чиқариш ва муҳандислик объектлари бунёд этилганини таъкидлаш лозим. Энг юксак халқаро талабларга жавоб берадиган, жаҳон тажрибасида ноёб бўлган мазкур объект қурувчиларига Фарғона водийси аҳолиси, бутун ўзбек халқи номидан чуқур миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Энди, руҳсатингиз билан, бу йўл биз учун қандай ривожланиш истиқболларини очиб бериши, унинг амалий аҳамияти ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, ушбу темир йўл тармоғининг қурилиши орқали мустақил Ўзбекистонда ягона ва яхлит темир йўл тизими шаклланиши ниҳоясига етказилиб, аҳолининг қўнғондан бир қисми истикомат қилдиган Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан ишончи бослаган имкони яратилди.

Шу маънода, бугун бутун Фарғона аҳли учун катта байрам, унутилмас тарихий кун, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Ўзингиз тасаввур қилинг, бугунги кунда эришяётган ютуқлари билан дунё ҳамжамиятини ҳайратга солаётган давлат сифатида биз ўз ҳудудимизнинг бир қисми билан, дўст мамлакат бўлса-да, лекин ўз манфаатларига эга бўлган бошқа давлат ҳудуди орқали боғланган ҳолатда бундан кейин қандай яшашимиз мумкин эди?

Иккинчидан, Ангрен-Поп темир йўлининг ишга туширилиши биз учун йилга 10 миллион тоннадан ортиқ юкни манзилга етказишда ҳам вақтини, ҳам маблағни бир неча баробар тежаш, шунингдек, Фарғона водийсининг саноат ва инфратузилма соҳасидаги улкан салоҳиятини ўзлаштириш имконини беради, Ўзбекистон иқтисодий-тининг барқарор суруятлар билан ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилад.

Учинчидан, ушбу темир йўлнинг фойдаланишига топширилиши Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини тўдан оширади ва у келажақда халқаро транспорт коммуникациясининг энг муҳим таркибий қисмига, “Буюк ипак йўли иқтисодий йўналиши” лойиҳаларидан бирининг узвий бўлагига айланishi мумкин.

Шу нуктага назардан қарайдиган бўлсак, келгусида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва шу йўналишдаги бошқа давлатлар ҳудуди бўйича янги транзит йўллари бариб отиради, тўри келади, бўлса, айташ мумкинки, биз бу борадаги ишларнинг катта қисmini амалга оширишга эришидик.

Яна бир муҳим масала шундан иборатки, бу темир йўлнинг фойдаланишига топширилиши нафақат мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини кескин ошириш борасида, балки кўп йиллар давомида, айниқса, қишда тоғли йўللardan ўтишда қийналиб келган оддий одамлар учун катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, сиз, қадрли қурувчилар, Ўзбекистон темирйўлчилари, хитойлик мутахассислар, Хитой Халқ Республикаси раҳбарияти мамлакатимиз аҳолисининг оғирини енгил, мушуқлини осон қилдингиз.

Ҳурматли дўстлар, ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланишига алоҳида эътибор кўрсатиб келаётгани учун бизнинг дўстимиз — Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга, барча Хитой ва Ўзбекистон қурувчилари, лойиҳачилар, муҳандислар, темирйўлчиларга яна бир бор ташаккур айтишмоқчиман. Шунингдек, мамлакатимиз транспорт тизимини бутунлай ўзгартирган ва Ўзбекистон халқи учун шундай катта қулайлик яратган бугунги тарихий воқеа билан сизларни яна бир бор самимий табриклаб, бундай улкан лойиҳани амалга оширишга бебаҳо ҳисса қўшган барча-барча инсонларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Тинчлик ва барқарорлик йўлидаги самарали ҳамкорлик

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллимлараро тотувлик олий қадрият даражасига кўтарилиши, тинчлик ва барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интиломоқда.

Буни яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммити ва саммит арафасида ХХР Раисининг мамлакатимизга давлат ташрифи мисолида ҳам қўриш мумкин.

Ушбу саммит доирасида муҳокама қилинган масалалар — ШХТга аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, терроризм, диний экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш, ташкилот фаолиятини кенгайтириш, минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари ҳар биримизнинг ҳаётимизга, келажақимизга бевосита дахлдордир.

Айниқса, ҳозирги мураккаб ва нотинч вазиятда минтақа ва жаҳонда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, миллимлараро тотувлик ва бирделиликни мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу нуктага назардан ШХТ саммити иштирокчи давлатларининг бу борадаги қарашлари, тақриф-таъсиюлири, тинчлик-барқарорликни таъминлашга қаратилган шартнома ва келишувлар муҳим ўрин тутади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида халқаро терроризм, экстремизм ва унинг бошқа қўриқчилари бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек ҳавф солаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу таҳдидларга фақат ҳамкорликда, жаҳон ҳамжамияти ҳаракатларини бирлаш-

тириш орқали қарши курашиш мумкинлиги қайд этилди. Дарҳақиқат, ШХТнинг 15 йиллик фаолиятининг давомида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ҳозирги мураккаб бир вазиятда ташкилотнинг очиллик ва ҳар қандай блокка қўшилмаслик принципларига қатъий амал қилиш ва бундай ёндашувни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга экани, Ҳиндистон ва Покистоннинг аъзоликка қабул қилиниши ШХТ таркибининг кенгайтириши ҳамда унинг фаолиятини янги босқичга кўтаришини, яқин кўшимиз — Афғонистондаги беқарорлик қўшни мамлакатлар ва минтақаларга ҳам жиддий ҳавф туғдиришини, ушбу вазиятдан чиқишнинг йўли сифатида ўзаро кураш олиб бораётган томонлар ўртасида тинчлик ўрнатиш бўйича БМТ шафелиги остида сиёсий музокара-лар ўтказиш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизнинг Афғонистондаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга кўмаклашиш борасида амалга оширилган ишларига эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган ушбу тақлифлар Ўзбекистоннинг тинчлик-парвар сиёсатини яна бир бор ёрқин намоён қилди.

Таъкидлаш жоиз, мазкур ташкилот нуфузли ва аҳамиятли тузилма сифатида халқаро майдонда мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда. Мамлакатимизда ўтган юбилей саммитининг унинг маъқени янада ошириш ва мустаҳкамлаш билан тарихий аҳамият касб этади. Саммит доирасидаги учрашув ва мажлисларда, энг аввало, иқтисодий ривожланиш ва барқарорликни таъминлаш, шу билан бирга, транспорт коммуникациялари, энергетика, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ало-

ҳида эътибор қаратилди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити арафасида мамлакатимиз учун яна бир катта ютуқ ва унутилмас тарихий воқеа рўй берди: Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигининг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўли ҳамда Қамчиқ туннелининг ишга туширилиши юртдошларимиз қалбини фахр ва ифтихорига тўлдириди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун қулай шaroит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик юксак суруятлар билан ривожланиётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хитойда ишлаб чиқарилган энг юқори техник хусусиятлар ва қатор афзалликларга эга, замонавий, юксак самарали электровоз ҳамда тепловозларнинг мамлакатимизга етказиб берилгани ўзаро манфаатли ҳамкорликка ёрқин мисол бўла олади. Хусусан, Ўзбекистон бунёдкорлик салоҳиятининг тимсолига айланган, узунлиги 123,1 километр, жуда катта стратегик аҳамиятга эга “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясининг қурилиши барчада ҳайрат ва ҳавас уйғотгани сир эмас. Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги “Ангрен-Поп электрлаштирилган темирйўл линияси қурилишини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилган бу улкан лойиҳада мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ушбу лойиҳа мураккаблиги бўйича дунёда саккизинчи, туннель узунлиги бўйича ўн учинчи ўриндан жой олган бўлса, МДХ мамлакатлари орасида ягонадир.

Кўлами ва аҳамияти жиҳатидан Марказий Осиёдаги улкан

қурилиш объекти бўлган мазкур темир йўл “Марказий Осиё — Хитой халқаро темир йўли йўналиши”нинг муҳим қисмига айланган. 2200 метр бандликдаги Қамчиқ довоидан ўтган ушбу темир йўл воситасида йилга 600 минг йўловчи ва 4,6 миллион тонна юк ташини кўзда тутилмоқда. Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси билан ҳамкорликда юртимиз бунёдкорлари томонидан 19,2 километр узунлидаги туннель, умумий узунлиги 2,1 километрни ташкил этувчи 15 темир йўл кўприги, 6 йўл ўтказгич, 4 темир йўл станцияси, 4 разъезд, 2 вокзал, 2 ним тортиш станцияси қурилди. Умумий қиймати қарийб 1 миллиард 635 миллион долларлик маблағга тенг бўлган мазкур улкан лойиҳа доирасида темирйўлчилар учун ўнга яқин турар жой бинолари барпо этилди.

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ишга туширилган ушбу транспорт тузилмасининг нафақат вилоятларимиз ва минтақа мамлакатларини, балки Фарб ва Шарқни ўзаро мустаҳкам боғловчи муҳим транспорт тармоғи сифатида хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Энг асосийси, юклари ташини харажатлари бир неча баробар арзонлашади, уларни етказиб бериш муддати эса икки баравар қисқаради, минглаб янги иш ўрни яратилади. Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транзит ва сайёҳлик салоҳиятини юксалтириш, темир йўл тармоғини янада ривожлантириш, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги серқирра, стратегик муносабатларни янги босқичга кўтариш ва муттасил ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мунира ҚОРИЕВА,
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига
ЎЗМТДПдан сайланган депутат

Миллий тикланиш ғояси

тарғиботи оммавий ахборот воситалари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга доимий эътибор қаратишмоқда.

Бу эса мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, аҳолининг ахборот олиш борасидаги имкониятлари ошишига хизмат қилмоқда.

ҳамда ёшлар камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот мухитини яратиш, болаларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилишни қўллаб-қувватлайди.



Шунинг учун ҳам Ҳасан Саломов, "Миллий тикланиш" мухбири

Узбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ахборот соҳасида устувор вазифалар белгиланган.

тимизда озод ва обод ҳаёт барпо этиш — бош мақсадимиз эканини кенг миқёсда ва чуқур сингдириб бориш каби мақсад-вазифалар ана шулар жумласидандир.

Тадбирда таъкидланганидек, дарҳақиқат, дунё миқёсида ахборот алмашинуви жараёнлари тезлашиб бораётган бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни кенг жалб этиш, журналистлар малакаси, билим ҳамда кўникмаларини ошириш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этаётди.

Чунки биз яшаётган ахборот асрида мамлакатимизнинг эртанги куни, навқирон авлод тарбияси, маънавий-маърифий ҳаёти...

Шунинг учун ҳам Ҳасан Саломов, "Миллий тикланиш" мухбири мустақил фаолият юритишини таъминлаш, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб-ташвиқ қилиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги ўрни ва ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келяпти.

Ҳасан Саломов, "Миллий тикланиш" демократик партияси оммавий ахборот воситаларининг муштақил фаолият юритишини таъминлаш, халқимизнинг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб-ташвиқ қилиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги ўрни ва ролини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келяпти.

Хроника

Соғлом авлод — келажак пойдевори партия кенгашлари тадбирларининг бош мавзуси

Қорақалпоғистон

ЎЗМТДП Нукус туман кенгаши халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш кўни муносабати билан "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" мавзусида тадбир ташкил этди.

Ўшбу тадбирдан қўзланган мақсад ёш авлод саломатлиги, уларнинг келажига таҳдид соладиган иллатларга қарши курашиш, бу жараёнда тарғибот тадбирларини кўпайтириш, муштақил фикрли, соғлом тафаккурли ёшлар сафини кенгайтиришдир.

Фаргона

Спорт — қизлар учун нафақат жисмоний чинқиш ё соғлом турмуш омилли, балки лобарлик ва гўзаллик асоси ҳамдир.

ЎЗМТДП Фаргона вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Соғлом турмуш — фаровон ҳаёт гарови" шиори остида ташкил этилган бадий гимнастика бўйича мусобақанинг очилиш маросимида шу ҳақда сўз борди.

ЎЗМТДП Фаргона вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Муҳаббатхон Жўраева — Бугун хотин-қизларимиз ҳам спортнинг барча тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Сурхондарё

Муштақиллик ажодларимизнинг буюк илмий меросини ўрганиш, уларнинг дунё тамаддунига қўшган хиссасини кенг кенг тарғиб этиш имконини берди.

ЎЗМТДП Термиз туман кенгаши ташкил этган "Муштақиллик — миллий тикланиш ва юксалишдир" мавзусидаги давра суҳбатида ана шулар ҳақида сўз борди.

Халқни халқ, миллатни миллат сифатида асраб қолиш, унинг равнақ топиб, дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида тарихий ва маънавий қадриятларининг аҳамияти беқиёс.

Хоразм

Жисмонан соғлом, маънан етук авлодни воғга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади.

ЎЗМТДП Хонқа туман кенгаши "Келажик буюк юрт фарзандлари" шиори остида спорт мусобақасини ташкил этди.

ЎЗМТДП Хонқа туман кенгаши "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимаси вакиллари ва ёшлар иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Ўшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган мусобақада йигит-қизлар баскетбол, стол тенниси ва эстафета баҳсларида ўзаро беллашди.

Тошкент вилояти

ЎЗМТДП Паркент туман кенгаши "Гиёҳвандлик — хавфсизликка таҳдид" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш борасида сўз юритилди.

Бугун гиёҳвандлик бугун дунё муаммосига айланмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Муҳайи Аҳмедова.

Тадбирда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни гиёҳвандлик ҳамда "оммавий маданият" таъсиридан асраш, гиёҳвандликнинг инсон саломатлиги, ақл ва тафаккурига етказадиган салбий таъсири ҳақида кенг тушунчалар берилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Партия лойиҳаси — амалда

Андижонлик ёш тадбиркорлар

партия кўмагида салкам 250 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлди

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, банк хизматларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

фалари рўёбига қаратилгани билан ҳам аҳамият-лидир.

Хусусий тадбиркорлик ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш, кичик корхоналар учун бошланғич сармояни шакллантириш — фаолиятимизнинг бош мезони.



Дастлаб яққа тартибдаги тадбиркор сифатида уч ярим миллион сўм кредит олиб иш бошлаган эдик, — дейди у. — Орадан бир йил ўтар-ўтмас, яна тўққиз ярим миллион сўм кредит олиб, 5 янги иш ўрни яратдик.

Гулбаҳор НҲЪМОНЖОНОВА, Андижон молия ва иқтисод касб-хунар коллежи битирувчиси:

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илчил ислохотлар жараёнида тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Замира РҲЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бу жараёнда кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш, ёшларнинг соҳага оид билимларини ошириш, уларга амалий кўмак беришга қаратилган лойиҳалари билан фаол иштирок этишга интилоқда.

Партия Андижон вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда Марҳамат ва Балиқчи туманларида ўтказилган "Банк кредитлари — хунарандларга" лойиҳаси доирасидаги амалий семинарда шу ҳақда сўз борди.

Утган йили ана шу лойиҳа доирасида Асака ва Олтинқул туманларидаги ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар берилган эди, — дейди партия вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари Ҳамиджон Омонов.

Семинарда "Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш — устувор вазифа", "Банк кредитлари олишнинг тартиби ва мезонлари" мавзусида маърузалар тингланган.

Таъкидлаш жоиз, бу жараёнда тадбиркор ва хунаранд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш,

Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан Тошкент вилоятида "Маҳаллий ишлаб чиқаруш билан шуғулланувчи корхоналарга берилган имтиёзлар тизимининг аҳамияти" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда депутатлар, ҳокимлик мутасаддилари, вилоятдаги тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда журналистлар иштирок этиди.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тадбиркорлар учун яратилган кенг имкониятлар, имтиёз ва преференциялар самарасида бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан 56 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда. Бу борада Тошкент вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилган.

ЎзМТДП фракцияси аъзолари Элдор Туляков, Даврон Орипов, вилоят ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик масалаларига бўйича ўринбосари Анвар Абдуқодиров, вилоят давлат солиқ, божхона бошқармалари вакиллари ва бошқалар маҳаллий ишлаб чиқаруш билан шуғулланувчи корхоналарга берилган имтиёзлар, соҳага қаратилган эътибор самарасида эришилган натижаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётгани бугун ўз самарасини бераётди, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков.** — Энг аввало, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди. Биргина 2012-2015 йилларда демократик жараёнлар ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, иқтисодиётнинг эркинлаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ишбилармонлик муҳити ҳамда бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган 20 га яқин қонун қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлариغا бағишланган Вази­рлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузасида иқтисодий ўсиш суръат­лари­га урғу берилган экан, тадбир­корлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, тадбир­корлик субъектларини ташкил қилишни содда­лаштириш ва уларнинг фаолият юритишини енгиллаштириш билан боғлиқ 40 дан ор­тиқ меъ­ёрий-ҳуқуқий ҳуж­жатга ўз­гар­тиш ва қўшимчалар киритилган, хусусий мулкдорлар ва тадбир­корларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолатларини кучайтириш масаласини ҳал этишга суд органлари ро­лини оширишга алоҳида аҳамият берилган тадбир­корлик фаолияти учун янада кенг қулайлик ва имтиёзлар яратилган таъ­кидланди.

Дарҳақиқат, соҳа ривожига қаратилган эътибор, амалга оширилаётган ислохотлар нати­жасида эришилаётган марралар бугун халқорамисда ҳам эъти­роф этилмоқда. Хусусан, Жаҳон банки тарқатган статистик маъ­лу­мотларга қўра, Ўзбекистон кейинги йилларда тадбир­корлик фаолияти учун ишбилармонлик

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни

қўллаб-қувватлаш — дастурий вазифа

муҳитини яхшилаш соҳасида дунёдаги ўн етакчи давлат қатори­дан жой олгани қайд этилган, — деди маърузачи.

Мамлакатимиз жадал ривож­ланаётгани, муҳимиз фаровон­лиги ошиб бораётгани шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Жумладан, Тошкент вилоятида ҳам сўнгги 5 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми қарийб 2 баробарга ор­тди. Бун­да асосий омил бўлаётган са­ноат ишлаб чиқариш ҳажми эса қарийб 2,6 баробар ўсган. Вило­ятда 1465 са­ноат лойиҳасини амалга ошириш натижасида 48,7 мингта янги иш ўрни яратилди.


Мустақилликнинг ilk йил­лари­да вилоятда бор-йўғи ўн кор­хона четга маҳсулот чиқарган бўлса, ҳозирда улар со­ни 250 дан ор­тди. Қатор янги кор­хона­ларнинг ишга туширилиши ви­лоят экспорт салоҳиятини оши­риш билан бирга, экспорт тар­кибида хо­машэ улуши камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми ор­тишга хизмат қилмоқда. Охи­р­ги уч йилда 175 кор­хона илк маро­таба экспорт фаолиятини амал­га оширган бўлса, экспорт тар­ки­би 40 дан ор­тиқ янги турдаги са­ноат маҳсулотлари ҳисобига кен­гайди. Бунда вилоятда Ма­ҳаллийлаштириш дастури дои­расида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам муҳим ўрин э­г­ла­ляпти.

Тадбирда қайд этилганидек, 2016 йилги Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 16 кор­хона­нинг 64 лойиҳаси доирасида жа­ми 91 миллиард сўмдан зиёд им­порт ўр­нини босувчи маҳсу­лотлар ишлаб чиқарилиши қўзда тутилмоқда. Аввалги йилларда Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган кор­хона­ларга қатор им­тиёз ва пре­ференциялар бе­ри­лиши нати­жасида те­жаб қо­линг­ан маб­лағлар кор­хона­лар­ни тех­ник қай­та жи­хоз­лаш­га, улар­нинг ай­лан­ма ма­блағ­ла­ри ор­ти­ши­га за­мин яратди.

Давра суҳбатида маҳаллий ишлаб чиқарувчи кор­хона­лар учун солиқ ва бож­хона им­ти­ёз­ла­ри, улар­дан фой­даланиш са­ма­ра­дор­ли­ги, со­ҳа­да ю­за­га ке­ла­ёт­ган ай­рим муам­мо­лар, тад­бир­кор­лик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний ман­фа­ат­ла­ри­га қар­ши хат­ти-ҳа­ра­кат­лар­нинг ол­дини олиш бор­са­си­да олиб бо­ри­ла­ёт­ган иш­лар­га ҳам ало­ҳи­да эъ­ти­бор қаратилди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора­тадбирлари тўғрисида”ги фар­мони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлмоқда, — деди **ЎзМТДП фракцияси аъзоси Даврон Орипов.** — Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган Дастурий амалга ошириш мақса­дида 2015 йил 21 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республика­сининг ай­рим қонун ҳужжат­ла­ри­га хусусий мулкни, тадбир­кор­лик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучай­тириш, уларни жа­дал ривож­лан­ти­риш йў­ли­да­ги тў­сиқ­лар­ни бар­та­раф этишга қаратилган ўз­гар­тиш ва қў­шим­чалар киритиш тў­ғ­ри­си­да”ги қонун тадбир­кор­лар­га яна­да кенг им­ко­ни­я­тлар яратди. Қонунга би­но­ван, тадбир­кор­лик субъект­ла­ри фаолиятининг де­яр­ли бар­ча жи­ҳа­ти­га да­хл қи­ла­диган қирқдан зиёд қонун ҳуж­жа­ти­га ўз­гар­тиш ва қў­шим­чалар киритилди. Унда­ги ҳуқуқий меъ­ёр ва қои­далар мамла­ка­ти­ми­ز иқ­ти­со­дий са­ло­ҳи­я­ти­ни ра­виқ топ­ти­риш, иқ­ти­со­дий­ни ди­вер­сификация қилиш, рақобат­бар­дош маҳсулот ишлаб чиқари­ши­ни таш­кил этиш ор­қа­ли экспорт им­ко­ни­я­ти­ларини кен­га­йти­риш­га му­ста­ҳкам за­мин яратди.

Тадбирда фракция ҳамда ма-



ҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатда кўмақдош бўлишни мақсад қилган Ўзбекистон “Миллий тикла­ниш” демократик партияси со­ҳа­да олиб бо­ри­ла­ёт­ган бу ка­би саъй-ҳа­ра­кат­лар­да фаол ишти­роқ эт­а­ёт­ганини таъ­кид­ла­ди. Партия сайловолди Плат­фор­ма­си­да бел­ги­лан­ган “Ўзбекистон­да ишлаб чиқарилган” белгиси остида жаҳон бозорига маҳсу­лот етказиб беришга йўнал­ти­рил­ган тизимли чо­ра-тад­бир­лар­ни қабул қилиш, хорижий маҳ­су­лот­лар ўр­нини бо­са­ди­ган маҳ­су­лот­лар­ни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини ка­май­ти­риш, бож­хона им­ти­ёз ва пре­ферен­ция­ла­ри, им­ти­ёз­ли суб­сидия­лар ва бошқа шак­ла­р­да­ги дав­лат то­мо­ни­дан қўллаб-қувватлаш чо­ра­ла­ри­ни жорий этишга кўмақла­ши­ни си­н­га­ри мақ­сад­ва­зи­фа­лар иж­ро­си­ни таъ­мин­лаш юр­ти­ми­зда ма­з­кур йў­на­ли­ши­да олиб бо­ри­ла­ёт­ган иш­лар­га муҳим ҳис­са бў­либ қў­ши­ла­ди.

Шунингдек, давра суҳбатида тадбир­кор­ларга яратилаётган им­ко­ни­я­тлардан унумли фой­да­ла­ниш ор­қа­ли маҳаллий ишлаб чиқари­ши, рақобат­бар­дош, жа­ҳон ан­до­за­ла­ри та­лаб­ла­ри­га мос, экс­порт­бо­ли маҳсу­лот­ла­ри ишлаб чиқариш ҳаж­ми­ни яна­да кен­га­йти­риш зару­ри­ли­ги бо­раси­да та­кли­ф-тав­сия­лар бил­ди­рил­ди.

Айни шундай тадбир ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан “Ишлаб чиқаришни техник ва техно­логик модерниза­ция қилиш, янги ва за­мо­навий техно­ло­гия­лар­ни жорий эти­ши­нинг дол­зарб ва­зи­фа­ла­ри” мав­зу­и­да партия Наманган вилоят кенгаши, ви­лоят ҳокимли­ги ва қатор идо­ра­лар ҳам­кор­ли­ги­да ҳам таш­кил этилди.

Давра суҳбатида таъ­кид­лан­гани­дек, дав­ла­ти­ми­з раҳ­ба­рининг 2015 йил 26 ноябрдаги “2016-2019 йил­лар­да Наманган вилоят­и са­ноат са­ло­ҳи­я­ти­ни ри­во­ж­лан­ти­риш­га мўл­жал­лан­ган чо­ра-тад­бир­ла­ри дасту­ри тўғ­ри­си­да”ги қарори вилоят са­но­ати ривож­и ҳам­да аҳо­ли фар­о­вон­ли­гини яна­да оши­риш­да муҳим омил бўлмоқ­да. Беш асо­сий йў­на­ли­шни ўз и­чи­га ол­ган уш­бу дастурга асо­сан кел­гуси тўрт йилда умумий қий­ма­ти 5 мил­ли­ард дол­лар­га тенг 250 дан зиёд лой­и­ҳа амал­га оши­ри­ла­ди. Бун­инг нати­жа­си­да 16 ми­н­дан ор­тиқ янги иш ўрни яратилади.

Хуқуқий муҳофаза қилиш идо­ра­лари, тадбир­кор­лар ҳам­да ху­нар­ман­длар ишти­роқ эт­ган тад­бир­да дав­ла­ти­ми­з раҳ­ба­рининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбир­кор­лик­ни ишончли ҳимоя қили­шни таъ­мин­лаш, уларни жа­дал ривож­лан­ти­риш йў­ли­да­ги тў­сиқ­лар­ни бар­та­раф этиш чо­ра-тад­бир­ла­ри тўғ­ри­си­да”ги фар­мони соҳа тараққи­я­ти­ни ян­ги бо­с­қич­га кў­та­риш­да муҳим дасту­ри­

амал бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Вилоятда хусусий секторни ривожлантириш борасида олиб бо­ри­ла­ёт­ган иш­лар са­ма­ра­дор­ли­гини яна­да ошириш ҳақи­да фикр-му­ло­ҳа­за­га билирилди. “Маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, техник ва техно­логик модерниза­ция қили­ши­нинг дол­зарб­ли­ги ва бугун­ги қун­да­ги ҳо­ла­ти”, “За­мо­навий техно­ло­гия­лар­ни Ўзбекистон Республика­си­га олиб ки­риш тар­ти­би, қў­ла­ни­ла­ди­ган им­ти­ёз­лар” каби ма­в­зу­лар­да маъ­рузалар тин­г­лан­ди.

Таъ­кид­лан­гани­дек, вилоят­да тадбир­кор­лик субъек­т­ла­ри, хусусан, маҳаллий ишлаб чиқарув­чи­лар­нинг ҳуқуқ ва ман­фа­ат­ла­ри­ни ҳи­мо­я қилишга алоҳи­да аҳамият қаратилаётди. Жумладан, вилоят ад­лия бош­қар­ма­си 31 та­ш­ки­лот­да ўрганишлар олиб бориб, тадбир­кор­лик фао­ли­я­ти­га оид аниқ­лан­ган қонун бузи­ли­ши ҳо­ла­та­ри бўйича тегишли чо­ра-тад­бир­лар қў­рган. Но­қо­ну­ний ра­ви­ш­да қа­бул қи­лин­ган 29 қарор бе­кор қи­ли­ниб, 20 мил­ли­он сўм тадбир­кор­лар­га қай­та­рил­ди.

— Мамлакатимизда тадбир­кор­лик­ни йўлга қўйиш учун қат­ти им­ко­ни­я­т ва им­ти­ёз­лар яратил­ган, — дейди Наманган ша­ҳ­ри­да­ги “Исоқжон савдо сервис” хусусий кор­хо­на­си ҳис­о­б­чи То­ли­жон Ю­но­сов. — Кор­хо­на­ми­з чар­ма­дан тур­ли пой­заб­зал маҳ­су­лот­ла­ри­ни ишлаб чиқаришга мўл­жал­лан­ган. Маҳ­су­лот­ла­ри­ми­з юқори си­фа­ти, халқо­ра­ та­лаб­лар­га жа­воб бе­ри­ши билан харид­дор­лар­га ман­зу­р бўл­моқ­да. Ма­м­ла­ка­ти­ми­зда тадбир­кор­лик ҳам­да ху­нар­ман­длик­ни кенг қў­ла­м­да ри­во­ж­лан­ти­риш­га алоҳи­да эъ­ти­бор қаратилаётгани фао­ли­я­ти­ми­з са­ма­ра­дор­ли­ги­да муҳим омил бў­ла­ёт­ди. Бугун­ги дав­ра суҳ­ба­ти­да тин­г­лан­ган маъ­рузалар, бил­ди­рил­ган фикр-му­ло­ҳа­залар асо­си­да фао­ли­я­ти­ми­з учун зарур бў­ла­ди­ган ҳуқуқий та­в­сия­лар, фой­да­ли маъ­лу­мот­лар­га э­га бўл­дик. Бундан бун­дан биз, тадбир­кор­лар им­ко­ни­я­т ва им­ти­ёз­лардан унумли фой­далан­ган ҳол­да ишлаб чиқариш суръат­ла­рини яна­да оши­риб бо­ри­ши­ни зарур, деган хулосага кел­дик.

Амалий тақлиф-та­в­сия­лар­га бой тар­зда ўт­ган бу ка­би дав­ра суҳ­ба­ти­ла­ри, уч­ра­шу­ву­лар ЎзМТДП сай­ло­вол­ди Плат­фор­ма­си­да бел­ги­лан­ган ишлаб чиқари­ши тех­ник ва техно­логик модерни­за­ция қилиш, ишлаб чиқаришга йў­нал­ти­рил­ма­ган ҳа­ра­жат­ла­ри­ни қис­қар­ти­риш, янги, за­мо­навий техно­ло­гия­лар­ни жорий этиш, истик­бо­ли ишлаб чиқариш билан шуғул­ла­на­ёт­ган кор­хо­на­лар­га солиқ ва ма­ж­бу­рий тў­лов­лар мас­а­ла­си­да им­ти­ёз­лар бе­риш, маҳаллий са­но­ат са­ма­ра­дор­ли­гини яна­да оши­риш­га кў­мақ­ла­ши­ни ка­би дасту­рий ва­зи­фа­лар иж­ро­си­да муҳим аҳамият қасб э­та­ди.

Муҳтарам КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири
Оқилхон ДАДАБОВ, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши матбуот қотиби

Ижтимоий реклама

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди “Атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда аҳоли, фуқаролик жамияти институтларининг фаолигини ошириш” мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганини **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Куйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофа­за­си ва аҳоли са­ло­ма­ти­ли­ги му­ҳо­фа­за­си соҳа­си­да амал­га оши­ри­ла­ёт­ган та­ш­ки­лий-ҳуқуқий чо­ра-тад­бир­лар ҳа­қи­да аҳоли ха­бар­дор­ли­гини, жой­лар­да­ги дол­зарб эко­логик му­ам­мо­ла­ри­ни ҳал эти­ши­да улар фао­ли­я­ти­ни юксалтириш;
2. Ўзбекистон Республика­сининг “Эко­логик на­зорат тўғ­ри­си­да”ги қонунининг ма­з­мун-мо­ҳи­я­ти, унинг энг муҳим нор­ма­ла­ри, жа­мо­ат эко­логик на­зо­рат­ни амал­га оши­риш, эко­логик на­зо­рат жа­мо­ат инспек­тор­ла­рининг фао­ли­я­ти ҳа­қи­да кенг жа­мо­атчи­лик­ни ха­бар­дор қилиш;
3. Эко­логик таъ­мин­ни ри­во­ж­лан­ти­риш, эко­логик билим­ла­ри­ни тар­ғиб қилиш, аҳо­ли­нинг эко­логик ва та­би­ий ма­да­ния­ти­ни оши­риш, со­ғлом тур­муш тар­зи­ни тар­ғиб қилиш, эко­логик му­ам­мо­ла­ри­ни ҳал этишга жа­ми­я­ти­нинг тур­ли қат­ла­м­ла­ри­ни кенг жалб этиш;
4. Атроф-муҳит муҳо­фа­за­си ва та­би­ий ре­сур­слардан оқилона фой­даланиш соҳа­си­да­ги қонун­чи­лик та­лаб­ла­ри бу­зили­шини кенг ах­борот-ту­шу­н­ти­риш иш­ла­ри­ни олиб бо­риш ва жа­мо­ат эко­логик на­зо­рат­ни амал­га оши­риш ор­қа­ли ол­дин­чи олиш;
5. Атроф-муҳит му­ҳо­фа­за­си­ни кучайтириш, аҳоли са­ло­ма­ти­ли­гини му­ста­ҳа­ма­лаш ва жа­ми­я­ят­да со­ғлом тур­муш тар­зи­ни омалаштириш, со­ғлом ав­ло­дин тар­бия­лаш учун зарур ша­ро­ит­лар­ни шак­лан­ти­риш;
6. Аҳо­ли­нинг ҳу­ду­д­ла­ри­ни обод­ла­шти­риш ва қў­ла­ма­зор­ла­шти­риш, маҳал­ла­лар ҳу­ду­ди­да са­ни­та­рия-эко­логик ҳо­ла­ти ях­ши­лаш бо­раси­да­ги фао­ли­я­ти­ни оши­риш, шу жум­ладан, хашарлар, тур­ли тад­бир­лар ва ак­ция­лар ўт­ка­зиш;
7. Кор­хо­на­лар, та­би­ёт ва таъ­лим муас­са­са­ла­ри­да му­ко­бил энер­гия ман­ба­ла­ри, ма­и­ший чи­ки­ди­лар­ни қай­та ишлаш бўйича аҳо­ли­лик то­за ва ре­сур­с те­жа­йдиган техно­ло­гия­лар жорий эти­ли­ши ҳам­да ишлаб чиқариш­да техно­ло­гик жараён­лар­ни та­ко­ми­ла­шти­ри­ли­шини тар­ғиб қилиш;
8. Атроф-муҳити муҳо­фа­за қили­ши кучай­ти­риш учун зарур ша­ро­ит­лар­ни шак­лан­ти­риш, аҳоли са­ло­ма­ти­ли­ги­га, ёшларнинг тар­бия­си­га унинг са­ло­бий таъ­си­рини ка­май­ти­риш, жа­ми­я­ят­да со­ғлом ав­ло­дин тар­бия­ла­ши­ни ва со­ғлом тур­муш тар­зи­ни омалаштириш;
9. Орол ҳа­ло­ка­ти­нинг атроф-муҳит­га ва аҳо­ли са­ло­ма­ти­ли­ги­га са­ло­бий таъ­си­рини юмшатиш, Орол бў­ли­ми ҳу­ду­ди, мам­ла­ка­ти­нинг бошқа эк­зо­лек эк­зо­лек ҳу­ду­д­ла­ри­да эко­логик ва­зи­я­ти­ни тик­лаш ва со­ғом­ла­шти­риш;
10. Ўзбекистон­да эко­логик туризмни, экосай­б­лик фао­ли­я­ти­нинг ах­борот ва инф­рату­зил­ма­вий таъ­мин­о­ти­ни ри­во­ж­лан­ти­риш, экосай­б­лик йў­на­ли­ш­ла­ри­ни таш­кил этиш, ре­спу­бли­ка аҳо­ли­си ораси­да экотуризмни ом­ма-

лаштириш;

11. Эко­логик жур­на­ли­сти­ка­ни ри­во­ж­лан­ти­риш, та­би­ий ре­сурсларни му­ҳо­фа­за қилиш ва оқилона фой­даланиш мас­а­ла­ла­ри­га бўйича ма­қо­ла­лар си­фа­ти­ни оши­риш, Ин­тер­нет тар­мо­ғи­да Ўзбекистон та­би­ий­нинг бе­та­қ­роқ­ор­ғу­зал­ли­ги ва ҳил­ма-ҳил­ли­ги, ноёб хай­во­нат ва ўсим­лик дунё­си­га ба­ғи­ш­лан­ган ўзбек, рус ва ин­глиз тил­ла­ри­да­ги ма­х­сус ман­ба­ла­ри яратиш;
12. Ноёб хай­вон ва ўсим­лик тур­ла­ри­ни қў­лай­ти­риш ва му­ҳо­фа­за қили­ши­нинг за­мо­на­вий техно­ло­гия­ларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
13. Ўсиб ке­ла­ёт­ган еш ав­ло­дин­нинг энер­гия­ни иқ­ти­со­д қилиш ва ре­сур­с те­жа­йдиган техно­ло­гия­ларнинг муҳим­ли­ги мас­а­ла­ри­га бўл­ган дунё­ка­ра­ши ва му­но­са­ба­ти­ни тубдан ўз­гар­ти­риш мақ­са­ди­да тар­бия­вий-ма­ри­я­вий иш­ла­ри­ни кен­га­йти­риш.

Давлат гранти ажрати­ли­ши учун қуйи­да­ги ҳуж­жат­лар­ни тақ­дим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жа­ми­я­ти бо­шқа ин­сти­ту­т­ла­рининг ра­бо­ри то­мо­ни­дан им­зо­лан­ган ва муҳр билан та­с­диқ­лан­ган қу­за­тув ха­ти;
2. www.fundngo.uz сай­ти­да жой­ла­шти­рил­ган ша­к­лда тў­ди­рил­ган дав­лат гран­ти лой­и­ҳа­си учун ари­за;
3. Охи­р­ги ўз­гар­тиш ва қў­шим­чалар билан дав­лат рўй­ха­ти­дан ўт­ган ННТлар ва фуқаролик жа­ми­я­ти бо­шқа ин­сти­ту­т­ла­рининг Уста­ви (Ни­зо­ми) ну­сха­си;
4. Та­ш­ки­лот­нинг дав­лат рўй­ха­ти­дан ўт­ган­ли­ги тўғ­ри­си­да­ги гу­воҳ­нома ну­сха­си;
5. Агар лой­и­ҳа­ни амал­га оши­риш ли­цен­зия­ла­на­ди­ган фао­ли­я­ти та­лаб қил­са, унда ли­цен­зия­нинг ну­сха­си тақ­дим эти­лади.
6. Ман­фа­ат­дор дав­лат ва жа­мо­ат та­ш­ки­лот­ла­рининг ил­ти­мо­сно­ма­ла­ри, тав­сия хат­ла­ри илова қи­ли­ни­ши му­م­кин.

Битта лой­и­ҳа учун аж­ра­ти­ла­ди­ган грант миқ­до­ри — 25 мил­ли­он сўм­гача.

Ҳуж­жат­лар 2016 йил 25 ию­н­дан 10 ию­л­гача қа­бул қи­ли­на­ди.

Ҳуж­жат­лар “Ўзбекистон Республика­си Олий Маж­ли­си ҳузу­ри­да­ги ННТларни ва фуқаролик жа­ми­я­ти­нинг бо­шқа ин­сти­ту­т­ла­рини қўллаб-қув­ват­лаш жа­мо­ат фон­ди” но­ми­га “Ўзбекистон поч­та­си” ор­қа­ли ю­бо­ри­ла­ди­ган му­х­рлан­ган конверт­лар­да (А4 фор­ма­та) қуйи­да­ги ман­зил бўйича қа­бул қи­ли­на­ди: 100035, Тош­кент ша­ҳ­ри, Бунёд­кор кў­ча­си, 1-уй.

Ҳуж­жат­лар­ни тақ­дим этиш шар­т­ла­ри ва на­му­на­ла­ри билан Жа­мо­ат фон­ди­нинг www.fundngo.uz рас­ми­й веб-сай­ти­да та­ни­шиш му­м­кин.

Маъ­лу­мот учун те­ле­фон­лар:
(0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди “Мустақиллик йилларида республика ҳаётининг турли соҳаларида эришилган ютуқлар ҳақи­да кенг жа­мо­атчи­лик­ни ха­бар­дор қилишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусида ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиши бошланганини **ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Куйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. “Ўзал ва бетакоримсан, мукаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбеки­сто­ни­ми!” деган бош ғо­на­да му­жа­са­сан эт­ган ама­лий, ма­да­ний-ма­ри­я­вий ва ах­борот-ту­шу­н­ти­риш тад­бир­ла­ри­ни та­ш­кил этиш;
2. Ўзбекистон халқига мил­лий дав­лат­чи­лик ва он­ги, аң­на­на­лар ва урф-о­да­т­ла­ри­ни тик­лаш, бо­ғуқ сий­мо­ла­рининг ном­ла­ри­ни ша­ра­фа­лаш, сў­ям ва бар­қа­мо­я ян­ги ав­ло­дин шак­лан­ти­риш бўйича ке­ч­ки им­ко­ни­я­тлар тақ­дим эт­ган му­ста­қил­лик­нинг аҳамия­ти­ни очиб бе­ра­ди­ган ма­х­су­с теле­да­стур­лар, мақо­ла­лар тай­ёр­ла­ш;
3. Ўзбекистон­да тин­ч­лик ва о­со­йи­шта­лик­ни сақ­лаш, мил­лат­ла­ро­ ва фуқаролар то­тув­ли­гини му­ста­ҳа­ма­лаш, мам­ла­ка­ти­ми­зда яшаб ке­ла­ёт­ган тур­ли мил­лат ва э­ла­т­ла­рининг мил­лий аң­на­на­ла­ри, урф-о­да­т­ла­ри ва уду­м­ла­ри­ни сақ­лаш ва ри­во­ж­лан­ти­риш бўйича амал­га оши­ри­ла­ёт­ган из­чил чо­ра-тад­бир­лар ҳа­қи­да кенг жа­мо­атчи­лик­ни ха­бар­дор қилиш;
4. Тараққиёт йў­ли­нинг бешта та­мо­йи­ли­га асо­слан­ган ва халқо­ра жа­ми­я­ят то­мо­ни­дан эъ­ти­роф этил­ган “Ўзбек мо­де­ли”нинг ма­з­мун-мо­ҳи­я­ти­ни очиб бе­риш­га ба­ғи­ш­лан­ган тах­ли­лий ма­те­ри­я­лар тур­ку­ми­ни чоп этиш;
5. Ўзбекистон­да ю­ри­ти­ла­ёт­ган куч­ли иж­ти­моий си­е­са­ти­нинг ҳаётга та­та­биқ эти­ли­шини аниқ ми­со­л­лар­да кў­ра­тиб бе­ра­ди­ган маъ­лу­мот­ни кенг жа­мо­атчи­лик­ка ет­ка­зиш;
6. Ўзбекистон та­ш­ки ва ички си­е­са­ти­нинг асо­сий жи­ҳат­ла­ри, олиб бо­ри­ла­ёт­ган си­е­сий-ҳу­қуқий ва иж­ти­моий-иқ­ти­со­дий ис­лохот­лар­нинг нати­жа­ла­ри­ни акс эт­ти­рувчи хо­ли­со­на ва ишончли ах­борот­ни ин­глиз ва бо­шқа чет тил­ла­ри­да тар­қа­тиш мақ­са­ди­да их­ти­со­слаш­ган сай­т­ла­ри­ни ишлаб чиқиш ва Ин­тер­нет тар­мо­ғи­да жой­ла­шти­риш;
7. Тур­ли тил­лар­да Ўз­бек­iston та­ри­хи, ма­да­ния­ти ва са­на­ъа­ти, е­туқ ша­х­слари, му­ста­қил­лик йил­ла­ри­да жа­ми­я­ят ҳаётининг тур­ли со­ҳа­ла­ри­да ре­спу­бли­ка эриш­ган ютуқлар ҳа­қи­да­ги маъ­лу­мот­ла­ри­ни тай­яр­лаш ва Ин­тер­нет тар­мо­ғи­да­ги их­ти­со­слаш­ган

Мусликий таълим

Санъатсевар болалар маскани

Ўзбекистон — иқтидорларга бой. Аynқса, санъат соҳасида катта ютуқларни қўлга киритаётган ёшлар — халқимизнинг фахри-ғурури.

Президентимизнинг 2015 йил 20 ноябрдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти янада такомиллаштириш бўйича 2016–2020 йилларга мўъалланган Давлат дастури тўғрисида”-ги қарори бу борадаги ислохотларни янги bosқичга олиб чиқди. Унга кўра, мамлакатимизда 2020 йилгача қарийб 100 болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилади. Улар эртанимиз эгалари бўлган ёшларимизни маънавий гўзаллик, баркамоллик ва нафосат олами сари етаклаб, истеъдодлари камол топишида қанот бўлмоқда.

Бугун мамлакатимизда жаҳон андозаларига тўла мос келадиган қарийб 400 болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритмоқда. Ушбу масканларда ёш авлод учун яратилган қўлай шароитлар самарасида ўғил-қизларимиз кўплаб халқаро мусиқа танловлари ва фестивалларида фаол иштирок этиб, голиб ва совриндорлар сафидан ўрин олётган.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 14-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий мусиқа чолғулари, мебель ва ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда бу ерда 255 ўқувчи фортепьяно, торли, дамла ва зарбли чолғулар, халқ чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик ва ижрочилик, эстрада хонандалиги ва ижрочилиги, академик хонандалик, хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат бўйича таълим олаётган.

Мактаб жамоаси республика ва халқаро миқёсдаги турли кўрик-танлов, концертларда фаол қатнашиб келаётган. Жумладан, 2015 йил юртимизда илк мартабта ўтказилган “Истеъдод” халқаро танловда фортепьяно ва эстрада хонандалиги бўлими ўқувчилари совринли 3-ўринни эгаллади. Жорий йилнинг 30 март — 5 апрель кунлари Пекин шаҳрида ўтказилган II халқаро фестивалда Асилбек Авазов 1-ўрин, Жаҳонгир Бойқобилев эса 2-ўринни қўлга киритди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, болалар мусиқа ва санъат мактаб-

лари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш истеъдодларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётган, — дейди ушбу мусиқа ва санъат мактаби директори Бахтиёр Курбанов. — Истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида бир неча йилдан буён



ўтказиб келинаётган “Санъат гуначлари” танлови бу йил халқаро мақомга эга бўлди. Ушбу танлов дунёнинг кўплаб мамлакатлари ёш ижрочиларига ўз истеъдодини намойён қилиш, чолғу ижрочилиги бўйича кўникмаларини ривожлантириш, уларни ўзбек мусиқа санъати дурдоналари, юртимизда мусиқа ва санъат таълими йўналишида олиб борилаётган улкан ислохотлар билан таништириш, чолғучилик соҳасида фикр ва тажриба алмашиш, миллий санъатимизни дунёга янада кенг намойён этишда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур танловда мактабимиз ўқувчилари фаол иштирок этиб, голиб ва совриндор-

лар сафидан ўрин олмоқда.

Истеъдод кичик сахналарида, турли кўрик-танловда сайқал топади, камолга етади. Бирок, катта сахнага чиқиш учун истеъдод билан бирга замонавий билим ва кўникма ҳам керак. Мазкур мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга халқ таълими аълочиси Динора Мамажоновна — 40 дан зиёд малакали мураббийлар санъатсевар ёшларимизга сабоқ бермоқда. Жаҳон мусиқа санъатини ўрганиш ўқувчиларини Интернет ва бошқа манбалар орқали кириб келаётган мусиқа, кўшиқ, рақс шаклидаги

— Мактабда ўқувчиларни жаҳон санъати намуналари билан таништиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган, — дейди ўқувчани ўқитиш ишлари бўйича директор ўринбосари, халқ таълими аълочиси Динора Мамажоновна. — 40 дан зиёд малакали мураббийлар санъатсевар ёшларимизга сабоқ бермоқда. Жаҳон мусиқа санъатини ўрганиш ўқувчиларини Интернет ва бошқа манбалар орқали кириб келаётган мусиқа, кўшиқ, рақс шаклидаги

— Халқаро фестивалда она Ватаним — Ўзбекистон номини улғушлаш мен учун улкан бахт, — дейди Сарвиноз. — Дунёнинг турли бурчакларидан келган тенгдошларимга юртимизда ёшлар учун яратилган шароитлар ҳақида гапирганимда, улар менга ҳавас билан қарашди. Шундай юрт фарзанди эканимдан фахрландим. Президентимизнинг ёшларга бўлган ишончи бизни янги марралар сари илхомлантирмоқда. Халқаро танловда жаҳон муомтоз композиторларининг турли композицияларини ижро этдим. Мен каби кўплаб ёшларнинг санъат билан шуғулланиши, ўз иқтидорини тўла намойён этиши учун кенг имкониятлар ярати бераётган Президентимиздан миннатдоримиз.

Санъат ҳамиша инсонларни эзгулик, гўзаллик сари ундаб келгани аynи ҳақиқат. Чунки унда халқнинг маданияти, бой тафаккури ва қадриятлари акс этади, миллатнинг маънавияти ҳам санъат билан янада улғуворлик касб этади. Санъатга меҳрию хурмати баланд ёшларни камол топтираётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ана шу эзгулик йўлида хизмат қилаверади. Мусиқа ва санъат мактабларини тамомлаб, санъатда ўз йўлини топган ёшларимиз миллий мусиқа санъатимизни дурдона асарлар билан янада бойитиши, унинг нуфузи ва бетакрор жоziбасини жаҳон бўйлаб ёйишга ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Тўмарис АЪЗАМ, “Milliy tiklanish” мухбири

Миллий ғурур

Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Бунинг самарасида ёшларимиз қитъа ва жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида баланд марраларга эришаётган. Энг муҳими, соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етмоқда.



...2014 йил, Рига шаҳри. Жосуи каратэ бўйича Евроосиё чемпионатида қатнашган ЎзМТДП аъзоси Гулрухсора Саидолимова кумитэ баҳсларида иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. У бунга қадар ўн икки карра Ўзбекистон чемпиони,

Спортда — чемпион, ҳаётда — ибрат

Европа чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлиб улғурганди.

Саккиз йилдан буён спортнинг ашиҳаракатэ тури билан шуғулланиб келаётган спортчи қиз бугун Чироқчи педагогика спорт коллежининг 3-босқич талабаси. Ёш истеъдод эгаси тенгдошларига ҳар томонлама ўрнатди. Тинимсиз машғуллотлар, устозлар ишончи, спортчилар учун яратилган шароит ва имкониятлар самарасида Гулрухсора 2010 йил 11 декабрда Ригада бўлиб ўтган Европа чемпионатида, 2014 йил март ойида эса Қарши шаҳрида, 2015 йил май ойида Ташкент шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон кубогини мусобақаларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, ашиҳаракатэ спортининг кумитэ, тазквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган вилоят ва республика чемпионатларида бир неча бор зафар кўчди. Бу галабалар эса унда ўзига бўлган ишончни янада оширди.

— Нуфузли мусобақаларда рингга чиқар эканман, қалбимда чексиз ғурур-ифтихор, шукроналик туйғуси жўш уради: билганимга куч, юрагимга шижоат тўлади, — дейди Гулрухсора Саидолимова. — Чунки дунёнинг ҳеч бир мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ёш спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга Ўзбекистондагидек улкан эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмас керак! Юртимизнинг барча ҳудудида, ҳатто, энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилган. У ерда ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Чемпион бўлишдек эзгу мақсадга интилган иқтидор эгаси борки, эътибордан четда қолмайди. Биз, ёшларнинг камолоти йўлида яратилаётган шароит ва имкониятлар учун Президентимиздан миннатдоримиз. Айни дамда сиёсий-ҳуқуқий билимларимиз янада мустаҳкамлаш ниятида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни замонавий билим, касб-ҳунар ва мутахассис-

ликларни эгаллашга рағбатлантириб келаётган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига аъзо бўлдим. “Ёшлар қаноти” фаоли сифатида партияимиз ўтказаетган тадбир, давра суҳбатлари ҳамда йирик лойиҳаларда фаол иштирок этмоқдаман. Олдимга қўйган улкан мақсадларимга ҳамоҳанг бўлган партия гоё ва мақсад-вазифалари тарғиботи ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Энди ўз олдимга бундан да юксак мақсадларни қўймоқдаман. Уларни рўёбга чиқариш учун бор куч ва ғайрат билан ўз устимда ишлайман.

— Замон билан баробар қадам ташлаётган ўғил-қизларимизнинг спорт, мусиқа, таълим соҳаларида эришаётган ютуқлари, кенг дунёқараш ва келажакка бўлган ишончини кўриб ўзимда йўқ қувонаман, — дейди спортчининг онаси Шарофат Жўраева. — Спорт туфайли қизим ҳам дунё кўрмоқда, она Ватанимиз шарафини улғушлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши учун кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрликлар туфайлидир. Қизим мусобақага тайёрланаётганида ҳар доим Юр-тбошимизнинг “Болаларим, маррани баланд олинг. Галаба бизники, келажак бизники!” деган даъватларини ёдига соламан. Бу унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Юксак ишончини оқлаш учун фарзандим бор куч ва имкониятини ишга солади. Истардимки, Гулрухсора жаҳон чемпионатларида ҳам олтин медални қўлга киритсин ва Ватанимиз шарафини улғушлашга ўз ҳиссасини қўшсин.

Ҳа, Ўзбекистон ёшлари ўз билими, иқтидори, куч ва салоҳияти орқали дунё ёшлари билан беллашмоқда. Гулрухсора каби ёшлар юртимиз фахри. Ўз таълағини соҳасида Ватанимизнинг шон-шухратини бундан да баландроқ ёйиш ёш спортчининг асосий мақсади ҳисобланади.

Т. АЪЗАМ, “Milliy tiklanish” мухбири

Мозийдан садо

Юртимиз тарихининг янги зарварлари очилишида Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институтининг излашчилари муҳим аҳамият касб этаётган.

Институтнинг асосий вазифаларидан бири — Марказий Осиёдаги ибтидоий одамлар ҳаёти, бронза ва илк темир даврларида дастлабки шаҳарлар пайдо бўлишини ўрганиш. Бу эса юртимиз ҳудудида илк тамаддунинг юзага келиши, давлатларнинг пайдо бўлиши, деҳқончилик маданиятининг шаклланиши даврини аниқлаш, шаҳарсозлик, меъморчилик, хунарманчилик, савдотик муносабатларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ўзбек давлатчилиги тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Институтда мазкур йўналишларда қатор фундаментал ва амалий лойиҳалар устида излашлар олиб борилаётган. Шу билан бирга институт олимлари Франция, Япония, Италия, АКШ, Россия, Хитой, Польша каби давлатларнинг етакчи археология марказлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Айни пайтда бу ерда ўн бешдан ортиқ халқаро экспедициялар фаолият кўрсатмоқда.

— Институтимиз мутахассислари бугун дунё археологиясида қўлана ёлган барча замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар билан таъминланган, географик ахборот тизимидаги хариталар ва коинотдан олинган суратларни таҳлил қилиш йўлга қўйилган, — дейди институт директори, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов. — Айни вақтда институт ёшларни археологияда янги технологияларни қўллаш бўйича Япония, Хитой, Франция, Италия каби давлатларда малака ошириб келмоқда.

Сўнгги йилларда институт олимлари олиб борган археологик излашлар давомида юртимизнинг қадимги даврдан то ўрта асрларга-

Юртимизнинг бой маданий тарихи

тадқиқоти жараёнида янгидан янги маълумотларга эга бўлинмоқда

ча бўлган тарихини ўрганиш бора-бора кўпроқ янги маълумотлар қўлга киритилди. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудида тош даврининг маданий хронологик эволюцияси ва илк замонавий одамларнинг шаклланиши муаммоларини ўрганиш жараёнида Ойроқўтқотлар олиб бориладиган аниқланган тош буюмлар, ҳайвон суякларини асосида маълумотлар базаси шакллантирилди.

Биринчи ва иккинчи Каттасойдан палеолит даври ёдгорлигидан илгари бу ҳудудда маълум бўлмаган мустъе даврига оид ашёлар аниқланган бўлса, Қўлбулоқнинг шимолий қисмида жойлашган Фиштсои қирғоқларида илгари ўрганилмаган тош даврига оид устакхона топилган.

Юртимизнинг антик ва илк ўрта асрлар даври маданиятида шаҳарлашув жараёнларини ўрганиш борасида эса Сўғднинг Добусия, Қофирқалъа, Ромитан, Варданзе, Афросиёб ёдгорликлари, Уструшонанинг Эски Хавос, Қалиятапа археологик ёдгорликларида қазилма ишлари олиб борилиб, бир қатор қизиқарли маълумотлар қўлга киртилди. Хусусан, Самарқанд вилоятидаги Қофирқалъа ёдгорлигининг аркида Саарой, ибодатхона ва бошқа қурилиш қолдиқлари очилган. Саройдаги катта зал ўз навбатида нафақат дунёвий, балки зардуштийларнинг икки-

та муҳим байрами — Наврўз ва Меҳржон нишонланадиган иنشот вазифасини ҳам ўтагани аниқланди.

— Маълумки юртимизда қадимдан деҳқончилик ва чорвачилик таррақий этган, — дейди институт илмий котиби Мўминхон Саидов. — Шу мақсадда миллоддан аввалги III — миллоднинг I минг йилликлари бошларида Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик маданияти ва кўчманчи чорвадорларнинг ўзаро алоқа ва таъсири муаммосини ўрганиш борасида тадқиқотлар олиб бориладиган.

Мазкур жараёнда юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган бронза даврига оид Жарқўтон, Алибойтепа, Бургуттепа, илк темир даврига оид Сангиртепа ва Подаётоқ, антик ва илк ўрта асрларга мансуб Мингтепа, Афросиёб ёдгорликлари ҳамда Нуробод ва Ургут туманлари ҳудудларида жойлашган антик ва илк ўрта асрларга оид мазкур ўрғонларда олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида, Қашқадарёда жойлашган Сангиртепа ёдгорлигининг юқори қатламларида Жетисар маданиятининг таъсири нафақат сопол идишлар, балки меъморчиликда ҳам акс этгани аниқланди. Бу ҳолат эса этномаданий жараёнлардаги айрим хусусиятларни очиб беришга хизмат қилади. Андижон вилояти Мархамаат туманида жойлашган Мингтепа ёдгорлигининг шимолий-ғарбида миллоддан аввал V-VI асрларга оид қабр қолдиқлари сопол идиш ва темир пишлоқлар топилгани унинг анча қадимий эканлигидан далolat беради. Бронза даврига оид Алибойтепа ёдгорлигида қўлга киритилган маълумотлар асосида сўнгги бронза ва илк темир даврига оид белгилар аниқланди. Бу Ўзбекистон тарихининг бронза даврини тадқиқ этишда муҳим манаба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг энг йирик тарихий эканлигидан далolat беради. Бронза даврига оид Алибойтепа ёдгорлигида қўлга киритилган маълумотлар асосида сўнгги бронза ва илк темир даврига оид белгилар аниқланди. Бу Ўзбекистон тарихининг бронза даврини тадқиқ этишда муҳим манаба бўлиб хизмат қилади.



Узбекистоннинг энг йирик тарихий географик воҳаларидан бири — ҳозирги Қашқадарё водийси ҳудудида жойлашган, фанда Жанубий Сўғд номи билан юртилади. Мазкур тарихий манзил ўрганилиши давомида қадимги тарихий-географик ўлканинг миллоддан аввалги VIII-VII асрлардан то миллоднинг XIV асри ўрталаригача Қашқадарё водийсининг юқори қисмида жойлашган Кеш (Китоб-Шахрисабз) воҳасининг ўрта асрларда мавжуд бўлган ҳудудий бирлашмалари русток (ҳозирги тушунчамиздаги “туман”га мос келадиган) деб аталган, Хасрада Кеш воҳасининг бутун ҳудуди ўн олти рустокдан ташкил топгани аниқланди. Уларнинг номи куйидагича аталган — Аргон, Ару, Балондарин, Бузожон, Қашқ, Моймур, Ички Санжкарда,

Ташқи Санжкарда, Мийон Кеш, Росмойин, Руд, Сийом, Сурруда, Харуд, Хузур, Хузрурду. Кеш воҳасининг маъмурий жиҳатдан рустокларга бўлиниши уларнинг табиий чегараларига асосланган.

— Ҳозирги вақтда институтнинг асосий вазифаларидан бири бу юртимизда жойлашган археология ёдгорликларини қайтадан тадқиқ қилишидир, — дейди А.Бердимуродов. — Янги қадимий мерос объектларини қидириб топиш, уларни замонавий технологиялар асосида тадқиқ этиш, геологик ахборот тизимида археологик хариталарни тузиш ва истиқболда каталогини яратиш, қонун асосида муҳофазасини таъминлашдан иборатдир. Зеро, юртимиздаги археологик ёдгорликлар 8 мингдан зиёд бўлиб, улар шаҳарлар, қишлоқлар, қўрғонлар, саройлар, қўшқлар, энг қадимги одамлар яшаган манзилгоҳлар, турли хил иنشот қолдиқлари (кориз, сардоба, кўприк) каби харобалар кўринишида сақланиб қолган. Шаҳарлар ва чекка қишлоқларида жойлашган ушбу ёдгорликлар сирдан гарчи кўрimsiz тепалик сифатида тасаввур уйғотса-да, бирок уларнинг қабрида халқимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи битиклар, тангалар, ҳўжалик буюмлари, идиш-товолқлар, ҳайкаллар ва бошқа осори атиқалар мавжуд. Жумладан, Ургут туманидаги Жартёпа, Пайарик туманида жойлашган Кўктепа, Шахрисабз туманидаги Юмалоқтепа, Поп туманидаги Муноқтепа ёдгорликларидан топилган осори атиқалар халқимиз-

нинг илк ўрта асрлардаги санъати ва маданияти, дунёвий қарашлари ҳақида янгидан янги маълумотлар беради.

Бундан келиб чиққан ҳолда юртимизнинг барча ҳудудида археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, археолог М.Пардавининг излаш ишлари давомида Жиззах шаҳри ва уни атрофида жойлашган, 1970-1980 йилларда бутунлай йўқ қилинган еттига археология ёдгорлигининг ўрни, даврий санаси аниқланган. Бу эса Жиззах воҳасида қишлоқ қурилиши ва маданияти жараёнларини тарихини мукаммал ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади. Жиззах тумани бўйича 45, Санжзорнинг ўрта оқими бўйича 22, юқори оқими бўйича 28, Қорасув ҳавзаси бўйича 8, Тошбулоқ ҳавзаси бўйича 8, яъни жами 111 археология ёдгорлиги аниқлангани воҳани янада кенг қўламда ўрганишга ёрдам беради.

Аниқланаётган ва ўрганилаётган археологик ёдгорликларни оммалаштириш ва унинг аҳамиятини кенг оммага етказиш гоёт муҳим. Шу билан бирга уларни жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда очик осмон остидаги сайёҳлик марказига айлантириш ҳам долзарб вазифадир. Зеро, юртимизда дунёга машҳур Афросиёб, Добусия, Ерқўрғон, Пойкент, Аҳсикент, Эски Хавос каби йирик шаҳарлар харобаларини бемалол туризм маршрутларида киритса бўлади. Натижада нафақат ички ва ташқи туризмнинг кенг ривожланишига, балки юртимизнинг ҳар бир фуқаросига ўзининг шаҳри, қишлоғи, маҳалласида жойлашган археологик ёдгорлик ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш ва шу орқали аждодларнинг бетакрор мероси, тарихи ва буюк ўтмишининг янги кирралари кашф этиш имконини беради.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Бизнинг шарҳ

Озиқ-овқат таъминоти — устувор масала

Яқинда Интернет орқали тарқатилган, бир хоризжий хайрия ташкилоти вакилининг африкалик болага сув ичираётгани акс этган сурат кўпчилиكنинг қалбини ларзага солди. Сурат шу йилнинг январь ойида — даниялик Аня Ринген Ловен Нигерия кўчаларидан бирида сайр қилиб юрғанида уйдан ҳайдалган, юпун, очлик ва чанқоқликдан тинкаси қуриган икки ёшга йиллик болага тасодифан дуч келган пайтда олинган. Аня шу заҳоти болани овқатлантиради ва яқин жойдаги шифонага олиб келади. Боланинг халоскори бўлган бу аёл анча вақтдан буён ўз оиласи билан Африкада истиқомат қилади. У бундан уч йил аввал қитъада яшовчи болаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида хайрия жамғармасига асос солган эди. Ҳозирда кутқарилиган боланинг аҳоли анча яхши. Унга Хоуп (инглиз тилида "умид") деб исм қўйишди...

мол қилинмай, ташлаб юборилади. Аслида эса бунча микродордаги озиқ-овқат маҳсулотларини тежаш орқали Ер юзиде очарчилик билан боғлиқ муаммоларга ечим топиш мумкин.

Чўлланиш, деградация ва иқлим ўзгаришлари — бир-бирига боғлиқ ҳодисалар, — дейилади БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Жаҳон чўлланиш ва қургўқчиликка қарши кураш кўни муносабати билан тайёрланган шу йилги муҳажиратида. — Ернинг деградацияга учраши чўлланишни кучайтирмакда. Бугун дунёдаги 50 фоиздан зиёд қишлоқ хўжалиги ерлари кучли деградацияга учраб, яроқсиз ҳолатга келди. Ҳар йили 12 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерлари ана шундай ҳолатга келиб қолмоқда. Ер унмдорлигининг пасайиши, беқарор сув таъминоти, қургўқчилик ҳамда биохилмаҳилликнинг бузилиши натижасида деярли 800 миллион одам тўйиб овқатланмасликдан азият чекмоқда. Кейинги 25 йил давомида ернинг деградацияга учраши оқибатида дунё микёсиде озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 12 фо-

катнинг қарийб 3,6 миллион аҳолиси, яъни деярли учдан бир қисми озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммага дуч келмоқда. Камида 200 минг киши озиқ-овқат тақчиллиги муаммосидан азият чекаётди.

Ўтган йили Папуа-Янги Гвинеяда узоқ муддат давом этган қургўқчилик жорий йилнинг бошида кучли ёмғир ва сув тошқинига сабаб бўлди. Бундан донли экинлар етиштирилмади. Хайленд минтақаси катта талфот кўриши мумкин. Қўшни мамлакат Шарқий Тиморда эса бу йил ҳам ўтган йилги каби ҳосилдорлик анча паст кўрсаткичларга тушиб кетиши башорат қилинмоқда.

ФАОнинг шу йилги ҳисоботида қайд этилишича, ташқи ёрдамга муҳтож давлатлар қаторига Африка қитъасининг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган ҳамда энг кўп аҳолига эга мамлакатларидан бири Нигерия ҳам киритилган. Бу, аввало, мамлакат шимолда давом этаётган қуроли қарама-қаршилиқ ва сиёсий беқарорлик оқибатида аҳолининг ўз турар-жойларини тарк этаётгани билан изоҳланади. Бу эса қочқоқлар сонининг ошишига, оқибатда қўшни Камерун, Чад ва Нигерда озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда мамлакатнинг асосан Борно ва Йобе штатларида тахминан 3,4 миллион аҳоли озиқ-овқат тақчиллиги муаммосига тўқнаш келаётди. Яманда эса 14,4 миллион аҳоли бундай муаммони бошдан кечирмоқда.

Маълумотларга кўра, айни пайтда дунёнинг 37 мамлакатиде озиқ-овқат ёрдамига муҳтож. Бундай давлатлар орасида Афғонистон, Буркина-Фасо, Бурунди, Марказий Африка Республикаси, Чад, Конго, Жибути, Эритрея, Эфиопия, Гвинея сингари давлатлар бор.

Ўзбекистон иқтисодийнинг барча соҳалари изчил ривожланаётган мамлакат, — дейди Атроф-муҳитни ўрганиш институти директори, профессор Майкл Эдельштейн (АҚШ). — Мамлакатингизга ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларнинг, барча соҳада қўлга киритилаётган янги-янги ютуқларнинг гувоҳи бўламан. Аҳоли сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугун куннинг долзарб масаласидир. Ўзбекистон кўркам боғ-роғлари, ширин-шакар мевалари билан дунёга машҳур. Қуёш нурига тўйинган бундай мазали меваларни бошқа ҳеч қайси мамлакатда учратмаганман.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг айрим мамлакатлари озиқ-овқат тақчиллиги муаммосига дуч келаётган шундай мураккаб бир пайтда Ўзбекистонда аҳолининг муҳим кундалик истеъмол товарларига бўлган талаби тўлиқ қондирилибгина қолмай, катта микродорда экспорт қилинаётгани таҳсинга лойиқ. Юртимизда жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар

изга қисқариши, унинг нархи 30 фоизга ошиши мумкин. Ернинг чўлланиши ва деградацияси муаммоси яқин вақт ичиде ҳал этилмаसा, бу нафақат озиқ-овқат муаммосини келтириб чиқаради, балки кўплаб давлатлар барқарорлигига таъсир кўрсатиб, миграциянинг кучайишига сабаб бўлади.

Бугун Зимбабве сўнги ўн йил ичидеги энг кучли очарчилик муаммосига дуч келди. Мазкур мамлакатда шу йилнинг февраль ойидан буён қургўқчилик ҳукм сурмоқда. Мамлакатнинг тўрт миллиондан зиёд аҳолиси озиқ-овқат ёрдамига муҳтож. Қургўқчилик сув тақчиллигини ҳам келтириб чиқаряпти. Бу эса экин майдонларини суғориш ва ҳосил олиш имкониятидан маҳрум этаётди. Сувсизликдан қорвалар ҳам қирилиб кетмоқда. Ҳукумат мамлакат бўйича фавқулодда вазият ҳолатини жорий қилишга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун жаҳон ҳамжамиятидан 1,6 миллиард доллар молиявий ёрдам сўрашга мажбур бўлди.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти (Food and Agriculture Organization of the United Nations, FAO)нинг шу йилги ҳисоботида қайд этилишича, ўтган йили Гаитида дон ва сабзавот экинлари ишлаб чиқариш ҳажми сўнги 12 йил ичиде энг паст кўрсаткичга тушиб кетган. Мамла-

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР Испанияда парламент сайлови якунланди

Ўтган яшанба кўни бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловида Бош вазир лавозимини вақтинча бажарувчи Мариано Рахой бошчилигидаги Испания халқ партияси қўйи палатадаги 350 мандатнинг 137 тасини қўлга киритиб, галаба қозонди. Бу ҳақда "lenta.ru" сайти хабар тарқатган.



Испания социалистик ишчи партияси 85 мандат билан иккинчи ўринни қўлга киритди. "Podemos" ҳамда "Бирлашган сўллар" партиясидан таркиб топган блок 71 мандат билан учинчи, марказлашган "Фуқаролар" партияси 32 ўрин билан тўртинчи бўлди. Хабарларга кўра, навбатдан ташқари сайлов ҳукуматни шакллантириш масаласига оидинлик киритмади. Халқ партияси буни "Фуқаролар" партияси билан коалицияга бирлашган тақдирда ҳам амалга ошира олмайди.

Эслатиб ўтаёмиз: Испанияда сўнги парламент сайлови ўтган йилнинг 20 декабрида ўтказилган бўлиб, ўшанда ҳам Бош вазирни тасдиқлаш ва ҳукуматни шакллантиришнинг имкони бўлмаган эди.

Уй-рўзғор юмушларида дастёр робот

"Boston Dynamics" муҳандислик компанияси "SpotMini" роботини ихтиро қилди. Мазкур робот ташқи кўриниши жиҳатидан ҳайвонни, аниқроғи, итн ёдга солади.



Уддий робот бўлиб қолмай, хонадондаги айрим уй-рўзғор ишларини мустақил равишда бажара олади. "SpotMini" ўзининг бўйин-манипулятори орқали исталган уй рўзғор анжомини жойидан кўзгагиб, бошқа жойга қўчириб қўя олади. Масалан, фойдаланилган идишни ювиш машинасига солиб қўйиш мумкин. Юмшоқ дивандан туришга эринсангиз, лимонад идишини олиб бериб, сизга ўзини яхши хизматкор сифатида намоён қилади.

Робот ҳисоблагич ва камера билан таъминланган. Бу эса унга ҳаракатланиш мумкин бўлган майдонни аниқ белгилаб олишга ёрдам беради. Аммо бошқа роботлар сингари "SpotMini" ҳам йилкилиб туриши хавфидан бутунлай химояланмаган. Шундай бўлса-да, сирғачик пол ёки ерда ётган банан пўчоқлари робот учун муаммо тўғдирмайди. Йилкилишдан аввал у ўзини кўтаришга киришади ва зудлик билан ўздаги химоя дастурини ишга солади. Шунингдек, зиналар бўйлаб кўтарилиш ҳам робот учун муаммо эмас. "SpotMini"ни тўлиқ қувватлантириш орқали ундан ярим соат фойдаланиш мумкин. Бу вақт давомида роботдан унумли фойдаланиб қолиш керак бўлади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти

ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмапти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоиздан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар тўғрисида дунё бўйича 160 миллиондан ортиқ бола буй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда. Айрим мамлакатларнинг аксарият аҳолиси очарчиликда кун кечираётган бир пайтда бошқа ривожланган мамлакатларда овқатланиш меъёрига риоя қилмаслик оқибатида

ортиқча вазн орттириш билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Мисол учун, дунёда 1,4 миллиард одам ортиқча вазндан азият чекади. Бу эса уларда юрак, қон-томир, қандли диабет сингари касалликларни келтириб чиқармоқда.

Дунё микёсиде озиқ-овқат тақчиллиги юзага келишининг бир қанча омиллари мавжуд. Улардан бири — иқлим ўзгаришлари. Турли табиий офатлар иқтисоди заиф мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ерларини пайҳон қилиб, очарчиликни келтириб чиқармоқда. Қолаверса, қургўқчилик ҳам дунёда озиқ-овқат тақчиллигини юзага келтирувчи асосий омиллардан саналади. Бугун дунёнинг айрим минтақаларида содир бўлаётган қуроли қарама-қаршилиқлар ҳам иқтисодий беқарорлик, қишлоқ хўжалигининг издан чиқишига ва очарчиликка сабаб бўлаётди. Хотинч вазият тўғрисида миллионлаб одамлар бошпана излаб ўз мамлакатларини тарк этишга мажбур бўлмоқда. Оқибатда, уларнинг аксарияти ўзларига на бошпана, на озиқ-овқат топа олмай, силласи қуримоқда.

Исрофгарчилик ҳам озиқ-овқат тақчиллигини келтириб чиқараётган омиллардан саналади. Айтиш жоиз, ҳар йили дунё бўйича ишлаб чиқарилаётган тахминан 1,3 миллиард тонна озиқ-овқат маҳсулотиде истеъ-



Рангин дунё

Париж шаҳридаги Сена дарёси бўйида очилган китоб шаклида қадрланган тўрт бинода Франция миллий кутубхонаси жойлашган. Бу кутубхона китоблар захираси бўйича дунёда еттинчи, француз тилида ёзилган адабиётлар сон бўйича эса биринчи ўринда туради. Қолаверса, у Европанинг энг қадимий кутубхоналаридандир.

Бу муассаса узоқ йиллар давомида француз қиролларининг шахсий кутубхонаси бўлиб келган. Унинг тарихи қирол Карлнинг Ахен шаҳрида ўша давр учун ўзига хос қийматга эга кутубхонага асос солишидан бошланади. Бироқ унинг вафотидан сўнг кутубхона сотиб юборилади. Қирол Людовик IX ҳам анчагина муҳташам кутубхона ташкил этади. Бироқ унинг ҳақиқий асосчиси — Карл V ҳисобланади (1364—1380 йилларда ҳукмронлик қилган). Сабаби, у кутубхонани нафақат ўзи, балки олимлар фойдаланиши учун ҳам ташкил этади. Унинг ташаббуси билан ноёб кўлэмалар

харид қилинди, нусхаланди, баъзи китоблар эса таржима қилинди. 1367-1368 йилларда кутубхона қирол буйруғи билан Париж шаҳридаги Лувр саройига кўчирилади. Бироқ қирол қариндошлари китоб олиб, қайтариб бермаслигидан кутубхона анча зарар кўради. Шу сабабли бизгача ўша пайтда мавжуд бўлган 1,2 минг ноёб кўлэмаларнинг жуда кам қисми етиб келган.

Қирол Людовик XII кутубхонани Блуа шаҳрига кўчириб, уни бобоси ҳамда отаси ўша ерда ташкил этган кутубхона билан бирлаштиради. Қирол Франциск I буйруғи билан барча француз ноширлари ва сотувчилари қайси тилда бўлишидан қатиъаназар, ўзлари нашр этадиган китобларнинг бир нусхасини кутубхонага топшириш мажбуриятини олади. 1544 йилда қироллик кутубхонаси Блуа шаҳридан Фонтенбло (коммуна)га кўчирилди. Ўша пайтда у 1500 китоб захирасига эга ҳамда Европадаги энг йирик илмий муассасалар-

Китоб шаклидаги кутубхона



дан бирига айланган.

Людовик XIII ҳукмдорлиги даврида кутубхона шахсан қиролнинг ўзига тегишли бўлган ҳамда қирол маҳкамаси (Cabinet du roi) деб аталган. Қирол Людовик XIV даврида эса фуқаролар яна кутубхонадан эркин фой-

даланиш имкониятига эга бўлди. Унинг фонди ака-ука тарихчилар Дюлюи, Орлеан герцоғи Гастон Жан Батист тўғрисидаги тахминлар билан янада бойиди. Захирасини кенгайтириш учун 1667 йилда шифоқор Жак Ментелга тегишли 10 минг нус-

ха китоб, 136 кўлэмалардан иборат кутубхона харид қилинди.

1789 йилдан кейин Миллий конвент ташаббуси билан ушбу муассаса миллий кутубхона номини олди. Кейинчалик кутубхона XVII асрда меймор Мансара лойиҳаси асосида бунёд этилиб, 1854 йилда кенгайтирилган бинога кўчиб ўтди.

1988 йилда Франциянинг собиқ Президенти Франсуа Миттеран кутубхонани ислоҳ этиш дастурини қўллаб-қувватлайди. 1995 йилда Париж шаҳрида, Сена дарёсининг чап соҳилида кутубхонанинг янги тўрт қаватли биносининг очилиш маросими ўтказилди. Очилган кутубхона шаклида бунёд этилган кутубхона лойиҳаси меймор Доминик Перрога тегишли. Бундай кўринишдаги архитектура намунаси дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайди. Ҳар бир бинонинг баландлиги — 79 метр. Кутубхонанинг асосий китоб фонди мазкур биноларга

Тилими танга роҳат

Ёз жазирамасида истеъмол қилинган муздек тарвуз чанқоқни қондиради. Унинг таркибида кўп миқдорда дағал толали модда мавжуд...



Тарвуз гепатит (жигар хас-талиги)да энгил ўт ҳайдовчи воситаси сифатида қўлланилади. Буйрак ва сийдик йўлларида тош, туз ва кум бўлса, майдалайди. Камқонлик, метаболик артрит, подагра, ортиқча вазнда ҳам тарвуз фойдалидир.

Бир кунда икки килограмм яхши етилиб пишган тарвуз истеъмол қилиш мумкин. Икки стакан тарвуз шарбатига бир чой қошиқ табиий, тоза асал аралаштириб ичиш ҳам кайфиятни кўтаради.

Халқ таъбиотида косметология воситаси сифатида тарвуз этидан фойдаланиш мумкин. Унинг эти юз, қўл ва оёқлар терисини парвариш этишда кенг қўлланилади.

Аммо қандли диабет, сурункали ичак хасталиги мавжуд беморлар, шунингдек, хомилдорликнинг охириги уч ойида танасида шиш пайдо бўлган бўлажак оналарга тарвуз истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

- Дунёдаги энг узун бўйли баскетболчи — Сунь Минмин (Хитой). Унинг бўйи — 236 сантиметр. Вазни — 168 килограмм.

ТУРФА ОЛАМ

“Бадминтончи”-робот

Хитой электрон фан ва техника университети талаба ва ўқитувчилари одамлар билан бадминтон ўйнашга қодир “Robomintoner” роботини ихтиро қилди.

У роботлар иштирокида ўтказиладиган “Roboco 2015” мусобақаси учун махсус ишлаб чиқарилди. Турли роботлар иштирок этган жуфтлик мусобақаларида “Robomintoner” ўзини яхши томондан кўрсата олди.



“Robomintoner” бадминтон бўйича олимпиада чемпиони Дон Жинг билан ўртоқлик ўйинида иштирок этди. Шунингдек, стол тенниси бўйича таниқли спортчи Ванг Ликин билан ҳам ўйин ўтказди.

Лойиҳа муаллифи роботни оммавий ишлаб чиқариш ва сотишни режалаштирмақда.

Ўй-хаёлни ўқий оладиган робот

АҚШлик олимлар ҳис-туйғу ва ўй-хаёлларни ўқий оладиган электрон қурилма ихтиро қилди.

Усуна “Emotiv EEG” деб номланди. Бу қурилма илк синовдан муваффақиятли ўтди. Унинг ишлаш механизми жуда оддий: гажет электрон тўлқин орқали бош мияни сканердан ўтказиб, сўзлар ва тасвири ҳосил қилади.

Дилдора МАҲКАМОВА тайёрлади.

Реклама ўрнида



“Микрокредитбанк” сармоялари

тадбиркорлик ривожига хизмат қилмоқда



Халқимиз шу кунларда энг улуг, энг азиз айём – Ватанимиз мустақиллигининг чорак асрлик тўйини муносиб нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда банк соҳасини тубдан ислоҳ этиш ва эркинлаштириш, молия муассасаларининг миқоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бераётир. Бунинг натижасида банкларнинг капиталлашув даражаси юксалиб, инвестицион фаолиги кенгайиб бормоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолига намунали банк хизматлари кўрсатишда “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки ва унинг бўлинмалари олиб бораётган ишлар эътиборга лойиқ.

2016 йилда ҳам “Микрокредитбанк” иқтисодий кўрсаткичларининг ўсиш суръатига молия-банк секторини ривожлантириш индикаторларининг баҳолаш мезонига кўра “юқори” даражага белгиланди.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра аҳоли омонатлари қолдиғи 225,3 миллиард сўмни ташкил қилиб, белгиланган режа 100 фоизга бажарилди.

Муддатли ва жамғарма омонатлари миқдори йил бошига нисбатан 26,1 миллиард сўмга ёки 35,6 фоизга ошган.

“Микрокредитбанк” АТБ асосий эътиборини банк капитали, активлари ва ресурслар базасининг барқарорлигини таъминлаш орқали тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратишга мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришга қаратган.

— Мустақилликдан илгари биз истеъмол қиладиган озиқ-овқат, айниқса, қандолат маҳсулотлари асосан четдан келтирилди, сифати унчалик яхши эмас эди.

Аҳолини сифатли нон, макарон ва ширинлик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2011 йилда “Сурхон Лидер МАН” МЧЖни ташкил этдик.

Бир неча йилдан буён “Микрокредитбанк”нинг Шеробод филиали миқозимиз. 2015 йилда банкдан олинган 300 миллион сўм кредит эвазига хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни олиб келиб ўрнатдик. Энди маҳсулотларимиз тури, қўлами ва сифати янада ошди.

Бу шубҳасиз рақобатга, ишлаб чиқариш сифатининг янада ошишига олиб келади. Бундан ҳам миқоз, ҳам ишлаб чиқарувчи манфаатдор.

Истиқболга белгиланган режаларимиз талай. Жумладан, маҳсулотлар турини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишни мўлжаллаяпмиз.

Дарҳақиқат, бугун мана шундай тадбиркорларимиз ҳиссаси туфайли мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ишлаб чиқаришда етакчилик қилмоқда.

— Бугун қўлигул хунармандларни давлатимиз изчил қўллаб-қувватлаётгани аҳоли фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда, — дейди Термиз туманидаги “Янгиҳаёт-Айритом” МЧЖ раҳбари Ибодулло Давлатов.

Малакатимиз иқтисодиётининг изчил тараққиётида тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилаётди. Бу жараёнда фаол иштирок этётган “Микрокредитбанк”нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

“Микрокредитбанк” материаллари асосида Ирода ТУРСУНОВА тайёрлади

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк жамоаси

мамлакатимизнинг барча журналистлари, матбаачилари ва нашриёт ходимларини касб байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

байрам муносабати билан қўйидаги миаллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА”

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

“МУСТАҚИЛЛИК – 25”

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Table with 5 columns: Филиаллар, Код, Телефон, Филиаллар, Код, Телефон. Lists branches across various cities like Toshkent, Navoiy, Bukhara, Samarkand, etc.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз: — солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! — маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! — эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! — миқдори чекланмаган!

“Асака” банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Сувоя НАЖИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолiddин САФОВЕ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон КҲУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВЕВ ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-88-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2 “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba кунни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 625, Адади — 9380. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир: Дилфоза РЎЗИЕВА

Навбатчи: Хасан САЎМОВ Саҳифаловчи: Илхом ЖУМАНОВ Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@gmail.uz Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 01.20. Ўза яқини — 22.30. ISSN 2010-7714 4772010771003 1 2 3 5